

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

ВАТАНГА ТАЪЗИМ

Эй Ватан, таъзим сенга
Берган тузу нонинг учун,
Оташин меҳринг кўшиб
Бахш айлаган жонинг учун,
Кўзларим мардумига
Жо боғу бўстонинг учун,
Дил уйим равшанлиги
Пок нури имонинг учун,
Файзли бағрингда униб
Ўсмоққа имконинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо
Ҳар битта фармонинг учун.

Сенки ҳар фарзандига
Муни, жафокаш онасан,
Меҳрибон ўғлонларинг
Содиқлигидан қонасан,
Ким улар сеҳри билан
Жаннат мисол афсонасан,
Шул сабаб доим ганим
Бадкорлигидан ёнасан,
Нола чексунг ёвга ёр
Бадхулқу нодонинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо
Ҳар битта фармонинг учун.

Нур билан йўракладинг
Ёқдинг дилимга зўр чароғ,
Кўз очиб бағринга боқдим.
Тортди меҳрим боғу роғ,
Ҳар нафасдан соф ҳаво,
Гул хуш ҳидинг туйган димоғ,
Бир умр поклик, гўзал
Ҳисларга бердинг иштиёқ
Жонни тиксам арзигай
Шул лутфу эҳсонинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо
Ҳар битта фармонинг учун.

Аввало туйган эдим
Пок талъатингдан ифтихор,
Бора-бора илмингу
Соф санъатингдан ифтихор,
Ал Жалолиддин, Темури,
Шон-шавкатингдан ифтихор,
Дилда истиқлол сабаб
Ҳур Давлатингдан ифтихор,
Боз гурурим беадаб
Шул давра-давронинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо
Ҳар битта фармонинг учун.

Пойинга чўккан эдим
Сен даст кўтардинг кафтингга,
Бир аёз музлатди лек
Сен чулғаб олдинг тафтингга,
Жўр эрурман эй Ватан
Авжсу, даромад савтингга,
Куйларим бергай мадаб
Шоядки аҳду забтингга,
Рози бўл шоир деган
Ардоқли унвонинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо
Ҳар битта фармонинг учун.

ИМКОНИЯТ ЧЕГАРАСИДАГИ ЖАРРОҲЛИК

Давоси ҳали топилмагани
рак хасталиги қаршисида

инсон ожизлигининг
белгиси эмас...


Узоқ давом этган илмий
тадқиқотлар самараси
ўлароқ олимлар рак
хужайрасининг моделини
яратишганини
эшитганмисиз?
Бу жуда катта
илмий кашфиёт.

8-9-бетлар.

Моҳияти

Дилимизда
яшайдиган қонун
виждон дея
аталади. Виждон
аслида босган
қадамимизнинг
қонунга
мувофиқ
келишидир.

И. КАНТ



ШАҲАРДА
КЎПДИР КИШИ...

КРОССВОРД

ЛАТИФАЛАР

12-бет.

Ёруғ оламда одам боласи
учун эркдан, озодликдан
муҳим нарсанинг ўзи йўқ.
Мана шу фикру ҳаёл
қонунбузарлик, ижтимоий
хавфли ҳаракатлар содир
этиб, оқибатда жазо
муддатини ўтаётган маҳ-
буслар қатори Дилмурод-
нинг ҳам бугун бот-бот
кўнглидан кечаётган
бўлса бордир.

7-бет.

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:

77-68-67, 77-59-31.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'yozma
va suratlar egalari
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.

Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.

Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 2649
Nusxasi — 20609

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00

Bosmaxonaga
topshirildi 20.00

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:
H. NISHONOV

Navbatchi: N. MAHMUDOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

ТАХРИРИЯТДАН:

Газетамизнинг шу йил 20-сониди (16-22 май)
«Тайёр ошга баковул» сарлавҳали фельетон эълон
қилинган эди.
Ушбу танқидий мақола юзасидан вилоят прокура-
турасидан жавоб хати олдик. Бундан ташқари,
тахририятимизга фельетонда исми-шарифи зикр
этилган А.Шарипова, Термиз шаҳар нотариал
идораси нотариуси Г.Ҳазраткулова, яқка тadbир-
кор Ф.Арслонов томонидан «материал асоссиз
ёзилгани ҳақида раддия бериш» сўралган ариза ва
эътирозномалар ҳам келиб тушди. Биз уларни
бироз қисқартирган ҳолда чоп этишни лозим
топдик. Табиийки, аризачиларнинг эътирозларига
фельетон муаллифи — журналист Курбон Жўрана-
заров ҳам ўз муносабатини билдиради. Бизнинг
мақсадимиз эса томонларга эътироз ва фикрла-
рини изҳор этишлари учун тенг имконият яратиш-
дир.

Вилоят прокуратурасининг
жавоб хотидан:

«Мақолада баён этилган маълумотлар ҳусусида фикро А.Абдуллаев 23.02.2001 йилда Термиз шаҳар прокуратурасига ариза билан мурожаат қилган. Унда «Балиқчилик» фермер ҳўжалигининг муҳр ва штампасини Ҳўжакулов Хўсан олиб қўйганлиги ва унинг хотини Шарипова Алфия фермер ҳўжалигига раҳбарлик қилаётганлиги баён этилган.

Аниқлаштиришча, 2000 йил 20 апрель куни Термиз шаҳар ҳокимининг 412-сонли қарори билан «Балиқчилик» фермер ҳўжалигининг Низоми тасдиқланган ва ҳўжалик таъсисчиси этиб Абдуллаев Аъзам Исмоилович эътироз этилган. А.Абдуллаевнинг 17.05.2000 йилдаги буйруғи билан ҳўжаликнинг ижро-чи директори қилиб Шарипова Алфия Раҳимовна тайинланган.

«Балиқчилик» фермер ҳўжалиги билан «Асакабанк»нинг вилоят бўлими ўртасида 2000 йил 5 май куни тузилган банк хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартномага А.Абдуллаев томонидан имзо чекилган.

А.Шарипова 2000 йил 17 июль куни давлат акционерлик тижорат «Асакабанк» вилоят бўлимига чорвачилик ва балиқчиликни ривожлантириш мақсадида 2 млн. 500 минг сўм кредит ажратишни сўраб мурожаат қилган. Ва банк томонидан унинг талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Имзо намуналари карточкасидаги А.Шарипованинг 07.06.2000 йилда қўйилган имзоси Термиз шаҳар 1-нотариал идораси нотариуси Г. Ҳазраткулова томонидан 1450-сонли рўйхатга олиш реестри билан тасдиқланган ва банкнинг кредит комиссияси ҳамда раҳбарияти томонидан ҳам ушбу имзо кредит ажратишда асос сифатида қабул қилинган.

Имзоларнинг кимга тегишлилигини суд-хатшунослик экспертизасининг ҳулосасини олмаддан аниқлашнинг имкони йўқ.

Термиз шаҳар прокуратурасида текшириш жараёнида А.Абдуллаев туҳунтириш хати бериб, унда фермер ҳўжалигининг муҳр ва штампасини Ҳўжакулов Хўсанга ўз розилиги билан берганилигини, уларга ҳеч қандай эътирози йўқлигини ва аризасини текширишни тўхтатишни сўраган.

Ариза муаллифининг илтимоси инобатга олинди, аризанинг текширилиши тўхтатилган.

Термиз шаҳар прокуратурасида текширилган материаллар ва вилоят прокуратурасида тулланган маълумотлар ўрганилиб, А.Шарипова ва А.Абдуллаевларнинг имзо-

лари сохталаштирилганлиги ҳусусидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги баҳо бериш учун суд-хатшунослик экспертизаси талаб қилинишни эътиборга олиб, барча материаллар Термиз шаҳар прокуратурасига юборилди».

А.Шарипованинг
аризасидан:

«Бокиманда ва эски сарқитлар ортида юрган ишқемас, янгиликка тўғаноқ бўлувчи иллатлар янги ҳаёт тараққиётга ашаддий душмандир. Бу иллат давлат, эл-юртинг тараққиёти учун зарарқунанда ва гондир.

А.Абдуллаев ишонувчанлигини суиистеъмол қилиб, балиқ уруғини Қарши шаҳридан олиб келтириш учуннинг шахсий маблагини ҳисобидан 230 минг сўм пул харажат қилдириб. Ва ҳўжайиним Ҳўжакулов Хўсаннинг ёрдамда ишни хал қилиб келишди. Лекин ушбу «Балиқчилик» фермер ҳўжалиги фаолиятини юртидаги А.Абдуллаев бирон сўм ҳам харажат қилган эмас. Бунинг устига у номингига Термиз шаҳар ҳокими томонидан «Балиқчилик» фермер ҳўжалиги тузиш ҳақида қарор чиқариб олган, холос. У жавобгарликдан қочиш учун кредитни банкдан ўзингиз олассиз, деб менга ижрочи директор сифатида буйруқ чиқарди. Биз «Асакабанк»дан 2 млн. 500 минг сўм кредит олгандан сўнг мени бош ҳисобчиликдан бўшатиб, жойимга Мукумова Тамирани бош ҳисобчи қилиб ишга қабул қилди. Нега, у фермер ҳўжалиги учун чолиб, олиб, ёниб жон қуйдиргани йўқ-ку?! Бу деган сўз Абдуллаев Аъзам бирон сўм ҳам сарфламасдан, жон қуйдирмасдан жуда катта бойликка осонгина эгалик қилиш кайфиятида бўлган. Нега муҳбир мени ҳақоратлаб, ҳақиқий ҳолатни суриштирмасдан мени шарманда қилди?

Қўридагиларга асосан «Тайёр ошга баковул» сарлавҳаси билан чоп этилган фельетонни асоссиз деб топиб, газетангизда кечирим сўраш тариқасида мақола эълон қиласиз, деган умиддаман. Акс ҳолда қўқори идораларга ёзмага мажбур бўламан. Чўнки мени элига юрт олдида ўз обрўйимни, қадр-қимматимни йўлга қўйишни билмаман».

Г.Ҳазраткулова
эътирозномасидан:

«Фельетонда муаллиф томонидан баён этилган далиллар ҳақиқатга тўғри келмайди. Мақолада қайд этилган нотариал ҳаракатда амалдаги қонун талаблари бузилмаган. Менда Абдуллаев томонидан А.Шариповани ҳусусий фирма директори этиб тайинлаш тўғрисида чиқ-

ТАЙЁР

рилган буйруқдан ксерокопия бор. Низомда таъсисчига шундай ҳўқуқ берилган. Имзолар нусхаси ҳам тегишли тартибда расмийлаштирилган.

Фельетон муаллифи тегишли ҳўжатдаги имзолар А.Шарипова томонидан эмас, бошқа киши томонидан қўйилганга ўхшайди, деган. Бу важ текширилмаган ва суд-хатшунослик экспертизаси ҳулосасини олмай туриб газета орқали бундай фикр билдириш мумкин эмас эди. Бунинг устига Жўраназаров имзо бутунлай бошқа деган ҳулосага келдим, деб ёзган. Бу фикр исботланмаган. Шунинг учун масалага бундай тус берилганига сира қўйилмайман».

Яқка тadbиркор Ф.Арслонов
эътирозномасидан:

«Фельетонда менинг шаъним ва қадр-қимматим ҳар томонлама камситилган.

Мен тadbиркор сифатида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Тadbиркорлик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ олиб бораман. Жамият ва давлатга моддий зарар етказганим йўқ. Жўраназаров бўлса, ўз мақоласида менинг тadbиркорлик фаолиятимга шубҳа билан қараган.

Агар газетада раддия берилмаса, мен қонунда қўзда тутилган бошқа чораларни кўраман».

Журналист

Қ.Жўраназаров изох:

«Баъзилар «Нима фойда кўрдингиз шу фельетонни ёзиб?!» деб хайрон бўлишди. Мен эса бундай гапларга тушунмайман: фельетон ёзиш учун фойда кўриш шартми? Ақсинча манфаатдорлиқни ўйлаган одам танқидий мақола ёзмайди.

Номкатарликка йўймангу, мен табиятан ўзи шунақаман: ноҳақликка, адолатсизликка, зуравонликка, лоқайдликка, масъулиятсизликка, қонунбузарликка сира тоқатим йўқ. Ахир, кимдир ҳаётда учрайдиган салбий ҳолатлар тўғрисида ҳам очик-ошқора гапириши ёки ёзиши керак-ку! Бунинг нима-си хайратланарлиқ?

А.Абдуллаев бизга ариза билан мурожаат қилди. Унинг шикоят хатида келтирилган важларни ўрганиш жараёнида ҳар хил қизиқ ҳолатларга дуч келдим. Тўпланган далил-ҳўжатларни таҳлил этарканман, можаронинг янги-янги тафсилотларидан воқиф бўлдим. Ортиқ сукут сақлаб туrolмасдим. Худди шу боис қўлимга қалам олишга мажбур бўлдим. Зеро, виждон амри, журналист сифатидаги бурчим шунки такозо этарди.

Энди гапнинг индаллосига ўтсак: «Мен «Балиқчилик» фермер ҳўжалигини ташкил этдим. Ишни юртидаги менга миллияги майори Ҳўжакулов Хўсан ёрдам бериб қорарди, — деб ёзган эди жўмладан у ўз аризасида. — Фермер ҳўжалигимга тегишли муҳр ва штампим Шўрчи ўн заводидан ем олиш учун шартнома тузиб қайтаётганимизда унинг машинасида қолиб кетган экан. Эртаси куни эрталаб Ҳўжакуловдан штамп ва муҳрни беришини сўрадим. Лекин у «фермер ҳўжалигини хотинимнинг номига ўтказаман» деди. Муҳр ва штампимни бермади. Шундан сўнг эр-хотин менга билдирмасдан банкдан 2,5 миллион сўм кредит олиб, ўзларининг шахсий ишларига ишлатиб

йўборган. Мен бу ҳақда «Асакабанк» бошқарувчиси ва шаҳар прокуратурасига ариза ёздим.

Ҳўжакулов «Фермер ҳўжалиги директори хотиним» деб ҳаммани алдаб юрибди. Аслида Шарипова Алфия билан уни ишга қабул қилиш ҳақида ҳеч қачон меҳнат шартномаси тузмаганман. Уни ҳўжалигимга ишга қабул қилиш тўғрисида бирорта ҳам буйруқ чиқармаганман».

Биз банк мутасаддилари А.Шариповани қандай қонуний асосга кўра «Балиқчилик» фермер ҳўжалиги бошлиғи сифатида эътироз этишгани билан қизиқдик. Улар бунга асос сифатида Термиз шаҳар 1-давлат нотариал идораси нотариуси Г.Ҳазраткулова тасдиқлаган «Балиқчилик» фермер ҳўжалигининг имзолар намунаси ҳўжажани тақдим этишди, холос. Унда А.Шарипова бошлик, А.Абдуллаев эса унинг муовини сифатида қайд этилган эди.

Шундан сўнг Ҳазраткулова ҳузурига бориб, ўндан мазкур ёзувларга асос бўлган ҳўжатларни сўрадик. Аммо у ҳеч қандай ҳўжат кўрсатолмади.

А.Абдуллаевнинг шу масалага тааллуқли аризаси юзасидан Термиз шаҳар прокуратурасида тулланган ҳўжатлар билан ҳам танишиб чикдим.

Бизнинг эътиборимизни кўпроқ А.Шарипова ўз қўли билан рус тилида ёзган тушунтириш хати ўзига жалб этди. Ҳозир ундаги айрим жўмаларни қандай ёзилган бўлса, айнан шундай келтиримоқчимиз:

«Шариповой Алфии Рахимовна работающей бухгалтером рыночно-фермерского хозяйства общинственности».

«...Руководителем фирмы (ран «Балиқчилик» фермер ҳўжалиги ҳақида келмоқда — тоъдиқ бизники) Абдуллаев Аъзам, а главный бухгалтер этой фирмы».

«...Без предупреждения нянял бухгалтера и взял ей пропуск на пруд».

«...Договоре с даставой и другие основные документы находятся у Абдуллаева Аъзема, так как он руководитель фирмы».

Энди пуфакдек лоп этди, гўё Шарипова Абдуллаевнинг буйруғига асосан фермер ҳўжалигига ижрочи директор этиб тайинланганлиги ҳақидаги «хўшхабар» юзага чикди. Бугунги кунда ҳамма шуни рўқач қилгани-қилган.

Абдуллаев эса «Шариповани ижрочи директор этиб тайинлаш тўғрисидаги менинг номимдан чиқарилган 2000 йил 17 майдаги 1-буйруқ қалбаки. Уни мен чиқармаганман ва имзо ҳам қўймаганман» деб турибди.

Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат Кодекси»нинг 82-моддасида «Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ҳодим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади» дейилган. Абдуллаев билан Шарипова ўртасида меҳнат шартномаси тузилгани-йўқми, бу ҳол билан ҳеч ким қизиқмаган. Агарда жумбоннинг шу жиҳатида эътибор берилганда эҳтимоли масалага янада ойдинлик киритилган бўлармиди?

Моддомки ҳақиқатан ҳам 2000 йил 17 май куниёқ Абдуллаев томонидан Шариповани ижрочи директор этиб тайинлаш тўғрисида буй-

ОШГА БАКОВУЛ»

руқ чиқарилган бўлса, нега илгари бу ҳақда на нотариус ва на банк раҳбарияти оғиз очмаган? Нега шаҳар прокуратурасининг текширув материалларида бу ҳақда бирор сўз йўқ? Нега Абдуллаев бунга қатъиян рад этиб келмоқда?

У ҳолда Абдуллаевни тегишли ташкилотларга ёрдам сўраб арз қилишга нима мажбур этди? Нега бир вақтнинг ўзida у ҳам директор сифатида фаолият кўрсатиб келган? Энг муҳими, **нега шахсан Шарипова барча тушунтириш хатларида нуқул ўзининг фермер хўжалиги ҳисобчиси (бош ҳисобчиси), Абдуллаевнинг эса директор эканлигини қайта-қайта таъкидлаб келган?**

Адвокати — ҳуқуқшунос Чориев

олиб қочмаганмиз. Бировни ҳақорат ҳам қилганимиз йўқ. Шундай экан, А.Шарипова хонимнинг менга қўйган айблари асоссиз деб ҳисоблайман.

Халқимизда "Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама", деган мақол бор. Мен бор гапни ёзганман, ахир. Энди юқорида чоп этилган эътирозномалар хусусида:

Мен Абдуллаевнинг аризаси юзасидан Г.Ҳазраткулова билан икки мартаба мулоқотда бўлдим. Лекин у Шариповани ижрочи директор этиб тайинлаш тўғрисидаги буйруқни кўрсатгани йўқ. Ҳатто бу ҳақда лоқал оғзаки хабардор қилган эмас.

Тўғри, мен "Нотариус томонидан А.Шарипованинг имзоси си-

баб, фуқароларда матбуот танқидига кўникма ҳосил бўлмаганлиги, қолаверса, ҳуқуқий онгимизнинг етарли даражада шаклланмаганлигидадир.

Ўзбекистон Республикаси "Журналистлик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасида "Журналист ўзи тайёрлаган хабарлар ва материалларни оммавий ахборот воситалари орқали ... тарқатиш, уларда ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаш" ҳуқуқига эга деб қайд этилган.

Мен Абдуллаевнинг аризасида келтирилган вақлларни ўз ваколатим доирасида текшириш ва албатта газетхонларга ҳолис тақдим этишга ҳаракат қилганман. Атайин

ТАХРИРИЯТДАН:

Мана, юқорида томонларнинг «Тайёр ошга баковул» фельетони бўйича фикр-мулоҳазалари билан танишдингиз. Биз ҳам масаланинг баъзи бир жиҳатларига эътиборингизни жалб қилмоқчи эдик.

Жавоб хатида ҳам, Шарипованинг аризасида ҳам банкдан кредит олиш учун Ҳўжакуловнинг «Дамас» автомашинаси гаровга қўйилмаганлиги алоҳида таъкидланган. Аввало, бу ҳолат масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди. Чунки банкдан кредит олингани бор гап. Қолаверса, шунга яна бир бор эслатиш лозимки, Ҳўжакулов Ҳўсанга тегишли «Дамас» автомашинасини «Балиқчилик» фермер хўжалиги ҳисобига қабул қилиш тўғрисидаги ушбу жамоа умумий йиғилиши баённомаси мавжуд. Бу ҳақда Шарипова ўзича буйруқ ҳам чиқарган. Ҳатто мулкни топшириш — қабул қилиш тўғрисида далолатнома тузилган. Бундан ташқари, Шарипова шаҳар прокуратурасига ёзган тушунтириш хатида айнан «В залоғ я поставила автомобиль «Дамас» дея даъво қилган. Ва нихоят у тахририятимизга ёзган тушунтириш хатида ҳам яна шу фикрни такрорлаган: «Кредитнинг гаровига хўжайинининг 19С 37-97 давлат белгилли «Дамас» русумли автоуловини қўйдиртирди». Журналистнинг бу борадаги фикрларига худди шу далиллар асос бўлган.

Бизни А.Абдуллаевнинг шаҳар прокуратурасига ушбу нохуш воқеа тўғрисида дастлаб даъво аризаси билан мурожаат қилиб, кейинчалик эса бутунлай тескари тушунтириш хати берганлиги ҳам ажаблантирди. У ўз тушунтириш хатида бу ҳолатни шундай изоҳлаган: «Мен прокуратурага ариза бергандан сўнг, эр-хотин ва уларнинг адвокати Чориев Жуманиёзлар уч-тўрт марта уйимга келиб, жанжал қилди. Тинчимни бузди. Икки марта дўқ-пўлиса билан огоҳлантириш хати бериб, менга рўҳий таъйик ўтказди. Улар мендан прокуратурага берган аризамдаги даъволаримдан воз кечишимни ва хўжаликни уларнинг ихтиёрида қолдиришимни талаб қилдилар. Прокуратурага номаълум шахсни кўчадан чақириб, менинг номимдан тушунтириш хати ёздиришди. Асабим бузилиб турганлиги учун мажбур бўлдим қўл қўйиб беришга».

Охириги масала: тегишли ҳужжатларда Арслонов томонидан Шариповага 6 минг килограмм маъданли ўғит ҳам берилганлиги қайд этилган.

Билишимизча, маъданли ўғит хўжаликларга қатъий белгиланган меъёр асосида тарқатилади. Ҳамма жойда деҳқонлар унинг тақчиллигидан нолиб юришади. Қолаверса, маъданли ўғит эркин сотиладиган оғир ёки дўкон борлигини эшитмаганмиз. Ҳўш, у ҳолда тadbirkор бу махсулотни қаердан олди экан? Нега ана шундай ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган чигалликлар билан қизиқиш мумкин эмас? Бунинг нимаси қонунга зид?

Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур фельетон чоп этилганидан сўнг тахририятимизга «жабрдийда»лардан бир неча телеграммалар олдик. Бизнингча, телеграммалар учун ҳам ушбу чиқишимиз жавоб бўлади. Уйлаймизки, қонун посбонлари келтирилган барча ваз ва далиллари яна бир бор синчиклаб ўрганиб чиқадилар.

Тахририят бу мавзуга яна қайтади.



Суратда тасвирланган ҳужжатлардаги ҳар иккала имзони А.Шарипова ўзим қўйганман, деб даъво қилмоқда.

Жуманиёзнинг қўли билан А.Шарипова томонидан А.Абдуллаевга иш ҳақи сифатида пул берилганлиги ҳақида шу йилнинг 4 апрель куни ёзилган ҳужжатдаги мана бу жумаларга эътибор беринг: "...1. «Балиқчилик» фермер хўжалиги ҳисобчиси (!!!) Шарипова А.Р. 2. «Балиқчилик» фермер хўжалиги раҳбари (!!!) Абдуллаев Аъзам Исмоилович».

Юқоридаги далилларни таҳлил этган, ҳар қандай кишида ўша буйруқнинг ҳаққонийлигига, Шарипованинг директорлик фаолиятига шубҳа туғулмадими-йўқми? У қим ўзи — «Балиқчилик» фермер хўжалигининг ижрочи директорими ёки ҳисобчиси? Ёки ...?

Шарипованинг тахририятимизга ёзган аризасини ўқиб, ҳайратим янада ошди: унда бир-бирини мутлақо инкор этувчи жумалар бор. У Абдуллаев тўғрисида фикр юрита туриб дастлаб «Менга ижрочи директор... деб буйруқ чиқарди» деб ёзган. Бир неча сатр пастда эса «Хамма нарсаси тайёр қилиниб, муҳайё бўлгандан сўнг мени бош ҳисобчиликдан бўшатиб, жойимга Мукимова Тамарани бош ҳисобчи қилиб ишга қабул қилди» дейилган.

Шарипова ўз аризасида яна «А.Абдуллаев менинг ишонувчанлигимни суистеъмол қилиб, балиқ личикаларини Қарши шаҳридан олиб келтириш учун менинг шахсий маблағим ҳисобидан 230 минг сўм харажат қилди» дея даъво қилган. Аслида эса тегишли ҳужжатларда пулни А.Абдуллаев тўлаганлиги ва балиқ уруғи ҳам унга берилганлиги қайд этилган.

Биз «Тайёр ошга баковул» фельетонида худди ана шундай далил-ҳужжатлар асосида фикр-мулоҳаза билдирганмиз. Аравани куруқ

фатида тасдиқланган имзо унинг ҳақиқий имзосига сира ўхшамайди» деб ёзганман. Мен бу имзони Шарипованинг ўнлаб имзолари билан таққослаб кўриб, шундай хулосага келганман. Бу ўринда кўзим билан кўрган ҳолатларга ўзимнинг шахсий муносабатимни билдирганман, ҳолос.

Қолаверса, охири-оқибатда масалани суд-хаттинослик экспертизаси хал қилади. Демак, Ҳазраткуловнинг ўзини оқлашига ҳали эрта. Келинг, ҳақ-ноҳақлигимизга қонуний баҳо беришни ваколатли идоралар ҳукмига ҳавола этайлик.

Фельетонда тadbirkор Ф.Арслонов фаолиятига тегишли атиги икки жумла бор. Яхияси уни айнан келтириб қўя қолайлик: «1 млн. 680 минг сўми эса яқка тadbirkор Ф.Арслоновнинг ҳисоб рақамига ўтказилган ва Шарипова ундан 2000 йил 28 сентябрь куни 532-ҳужжат билан 80 килограмм балиқ уруғи, 25 килограмм майда балиқчалар, 9 бош қорамол, 15 та чўча боласи, 6000 килограмм маъданли ўғит олганимиз. Энди ўйлаб кўринг, битта яқка тadbirkордан бир йўла шунча нарсаси «ундириш» мумкинмикин?»


Фаҳмлашимча, асосан ўн икки та сўздан иборат охириги жумла Арслоновнинг эътирознома ёзиб, «шаъни ва кадр-қиммати ҳар томонлама камситилган» деб даъво қилишига кифоя бўлган. Яширмайман, ҳозир ҳам фикрим ўзгаргани йўқ. Битта яқка тadbirkор битта юк хати билан бир йўла шунча микдордаги, бунинг устига турли-туман махсулотни чиқаради-ю, бунга қўйил қолмай бўладими? Айтайлик, ўша куни тadbirkор ҳисобидан шу махсулотларнинг ҳаммаси бўлганмикин? Қизиқ-да, ахир!

Назаримда бундай ортиқча дод-фарёдларнинг келиб чиқишига са-

кимнингдир шаъни ва кадр-қиммати камситишга уринмаганман. Қолаверса, ҳеч қимни айбдор ёки жиноятчи ҳам демаганман. Менинг фельетоним терговчининг айблов хулосаси ёки судьянинг ҳукми эмас. Мен журналист сифатида ўз бурчимни бажарганман, ҳолос.

Энг муҳими, мен адолат юзасидан бор ҳақиқатни ёздим. На Шариповага нисбатан, на Ҳазраткуловага, на Арслоновга нисбатан (уларни шу пайтгача мутлақо танимасдим ҳам) ғаразгўйлигим йўқ. Абдуллаевга нисбатан ҳам ён босиш ниятида эмасман. (Унинг менга ҳеч қандай яқинлик жойи йўқ. Мазкур ариза баҳонасида танишганмиз).

Такрор айтаман: фельетонда ўз кўрган-билганларимни қоғозга туширдим, ҳолос. Қонуний бир тўхтамга келиш эса ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ҳукмига ҳавола.



Бўстондик туманидаги болалар оромгоҳларида айни вақтда республикамизнинг турли вилоятларидан келган юзлаб ўқувчилар мазмунли хорлик чиқармоқдалар. Болаларга яратилган шарт-шароитларини ўрганиш, уларнинг ахлоқийдан боҳабар бўлиб туриш тўғрисида муҳташадли идораларнинг лойиҳий назорати.

Суратда: туман прокурори Р.Жўраев ва туман ИИБ бошлиғи С.Темиров «Қамақал» оромгоҳида хорлик чиқариб ўқувчилар даярлашди.

Р.НУРИМБЕКОВ олган сурат



САҲИФАЛАРИМИЗДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИ

МУСТАҚИЛЛИК — ЁШЛАР ЭЪТИҚОДИ

Орифжон ҲАЙТБОЕВ,
Хоразм вилоят прокурори
ўринбосари, адлия катта
маслаҳатчиси

Республика мустақиллигидан сўнг мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий ва сиёсий жабҳалардаги ислохотлар шу қадар қўламлики, ўн йилда бу каби бунёдкорликни фақат фидойилик билан амалга ошириш мумкин. Айниқса, ёшларга давлатимиз раҳбари томонидан берилган эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик ва албатта, билдирилаётган ишонч ислохотлар тақдирини белгилашда муҳим рол ўйнайди. Бугунги ёшлар кечагисидан тубдан фарқ қилади. Уларнинг фикрлаши, дунёқараши ўзгарган. Уларни қандайдир тор манфаатлар доирасидаги қизиқишлар эмас, мамлакат мижрасидаги масалалар қизиқтиради. Бир сўз билан айтганда, бугунги ёшлар Ватан равнақи йўлида фаол курашчига айланишган. Бу давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати самарасидир.

Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокуратура идораларининг ҳам асосий вазифаси ҳисобланади. Вилоятда таълим самарадорлигини ошириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш, уларнинг ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Вилоят прокуратураси ташаббуси билан ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш ва бу йиллатга қарши аҳоли курашчанлигини кучайтиришга қаратилган «Аср вабоси — гиёҳвандлик», вояга етмаганлар ўртасида ўз жонига қасд қилишнинг салбий оқибатларини фожия қилувчи «Умр баҳоси» фильмлари яратилди. Бу фильмлар жойларда намойиш қилиниб, мутахассислар иштирокида муҳокама қилинди. Мамлакат Конституцияси ва қонунларини прокуратура ходимлари иштирокида малакали ўрганиш ташкил қилинди. Хива, Ҳазорасп туманлараро прокурату-

расида вояга етмаганлар билан ишловчи идоралар ишини фаолроқ мувофиқлаштириш мақсадида марказлар фаолият кўрсатмоқда.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия Республика Бош прокурори раҳбарлигида фаолият кўрсатмоқда. Яқинда мазкур комиссия иш режасига асосан Хоразм вилоятида ўқишдан бўйин товлаб юрган ва ҳулқи ёмон ўқувчилар таълим-тарбиясини яхшилаш, болалар ногиронлигининг олдини олиш ва уларни ижтимоий реабилитация қилишнинг аҳоли ўрганиб чиқилди.

Текшириш якунлари бу соҳада амалга ошириш зарур бўлган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Вояга етмаганлар ишлари бўйича туман, шаҳар комиссиялари ўз ваколатлари доирасида таълим сифати ва ҳулқи ёмон ўқувчилар тарбиясини яхшилаш, ногирон болаларни ижтимоий муҳофаза қилишда мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича ташаббускорлик кўрсатишмаяпти. Комиссиялар томонидан режалаштирилган тадбирлар малакаси амалга оширилиши, айрим ҳолларда умуман ижро қилинмаслигини қандай тушунириш мумкин? Шу йилнинг биринчи ярми иш режасида белгиланган Урганч шаҳрида 4 та, Урганч туманида 5 та ва Гурлан тумани комиссиясида 3 та тадбир умуман ижро қилинмаган.


Ички ишлар тизимидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича шугулланувчи нозирликлар зиммасига ҳам катта вазифалар юкланган. Аммо таҳлилларнинг кўрсатишича, нозирликлар фаолияти талаб даражасида эмас. Нозирлар томонидан ўқимасдан ва ишламасдан юрган ўсмирларни аниқлаш, зарур тадбирларни амалга ошириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. ВЕН нозирлигида кадрлар қўнимсизлиги, 30 нафар нозир 1 йилгача иш стажига эга эканлиги, 15 нафар ходим бошқа ишларга жалб қилинганлиги ҳам нозирликлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатган.

ИИБ раҳбарларининг нозирликлар фа-

олиятига панжа ортидан қараётганликлар оқибатида нозирликлар ишида силжиш бўлмаяпти. Қўшқўпир туманида 1 йил 8 ой, Хонка туманида 1 йил 2 ой, Хива туманида ИИБ ВЕН бошлиғи 10 ойдан бўён вакант сақланиб келинган. Урганч туманида бошлиқ 2000 йил давомида умуман бўлмаган. Урганч шаҳар ВЕН бўлинмасида ўқишдан бўйин товлаган тарбияси оғир 35 нафар ўсмирлар ҳисобига олинган бўлса-да, зарур профилактика тадбирлари ўтказилмаган. Айни пайтда ўсмирларни профилактика ҳисобига қонуний асосларсиз олиш ҳолатига барҳам берилмаган. Урганч туманидаги 2-мактабнинг 9-синф ўқувчилари М.Йўлдошев ва Й.Дурдиевлар ўзаро тортишиб қолганлиги, 4-мактаб ўқувчиси Ф.Қурбонниёзова уйдан берухсат чиққанлиги, 8-синф ўқувчиси Ф.Зокиров мактабга бормаганлиги ваз қилиниб, жиддий асосларсиз профилактик ҳисобига олинган.

Аслида Ф.Қурбонниёзова уйдан берухсат чиқишига оилада отасининг мунтазам жанжал қилиши, Ф.Зокировнинг мактабга бормаслигига отаси ичкилик-бозликка берилиб, унинг мактабга боришига тўқсинлик қилганлиги сабаб бўлган. Бу ўринда ҳуқуқбузарлик содир этган оталарни профилактика ҳисобига олиш ўрнига, нозирлик томонидан ўқувчиларнинг ҳуқуқлари асоссиз чекланган. Қўшқўпир тумани ИИБ ВЕН нозир Х.Жуманиёзов эса мактабда аъло баҳоларга ўқиётган Ш.Болтаевга мактабдан бўйин товлаётганлиги учун чора қўллаш тўғрисида шомашошарлик билан тайёрланган ҳужжатларни туман комиссиясига тақдим қилган. Бу каби малакасизлик умумий ишмизга салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Ҳуллас, вояга етмаганларга оид қонунлар ижросини таъминлаш, шу шарафли ишга масъул идоралар фаолиятини жонлантириш асосий вазифамизга киради. Зеро, бугунги ёшларнинг қандай улғайиши, мустақиллик уларнинг эътиқоди даражасига кўтарилиши келажакимиз қафолати бўлиб хизмат қилади.



Хива. Кўхна арк қалъаси. Шарқий дарвоза.

Оқсоч тарих олдида инсон умри кўз очиб юмгудай гап. Аммо, дунёга шундай инсонлар келадики, улар томонидан яратилган меъморий обидалар мангуликка мухрланиб қолади. Қадим Хоразм ҳақида сўз кетса, у ердаги тарихий обидалар ана шу мангуликдан сўйлайди.

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Ҳисобини билмаган, ҳамёнидан айриллар, деган гап бор. Бунинг нақадар тўғри эканлигини бугунги бозор иқтисодида даврида кўпчилик бошидан кечирган бўлса ажаб эмас. Ҳозирги шароит ҳаммадан: тадбиркордан ҳам, корхона-ташкilot раҳбаридан ҳам узокни кўзлаб, ҳисоб-китоб билан иш юритишни талаб қилади.

Маълумки, мамлакатимизда солиқ тизими такомиллашиб бормоқда. Унинг қонуний асослари яратилди. Ислохотларнинг муваффақиятини таъминлаш мақсадида кўплаб янгиликлар жорий этилмоқда, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилмоқда. Ўзгаришлардан хабардор бўлиш, мутахассисларнинг юқори малакали хизматларидан вақтида фойдаланиш кўпгина маблағларни тежаб қолиш имкониятини яратди.


Давлат солиқ қўмитаси ахборот-маслаҳат маркази Хоразм вилоят

бўлинмаси хизматидан фойдаланганлар буни жуда яхши англайдилар.

Бўлинма ходимлари сўраб келувчиларга маслаҳат берибгина қолмасдан, жойларга бориб, корхона, ташкilot раҳбарлари, ҳисобот ходимлари, тадбиркорлар билан учрашувлар ҳамда ўқув семинарлари ўтказмоқдалар. Уларга солиқ тизимидаги янгиликлар ўз вақтида тушунириб борилаётгани, бундан ташқари ёшларга компьютер билан ишлаш бўйича билим берилмоқда. Буларнинг ҳаммаси давлат учун ҳам, солиқ тўловчи учун ҳам фойдали эканлиги сир эмас.

Давр талабларини эътиборга олиб, тез ва қулай хизмат кўрсатиш учун Хива, Урганч шаҳарлари ва Янгиарик туманларида туманлараро таянч пунктлари ташкил этилган.

Иброҳим ЮСУПОВ,
Хива тумани ДСИ бошлиғи
ўринбосари



Хива. Муҳаммад Аминхон мадрасаси.

Хоразм мамлакатимизнинг ўзига хос гўзал ва сирли гўшаларидан бири бўлиб, Амударё ва Корақум оралигида жойлашган. Бу ўлка ўтмишда Сўғд, Чоч, Парфия, Довон каби обод юртлар каторида алоҳида нуфузга эга бўлган. Хоразм ўзининг илгор мутафаккирлари ва буюк олимлари — Абу Райҳон Беруний (973-1048), буюк математик, жаҳонга алгебра ва алгоритмни тақдим этган Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (780-850) билан машҳур. Бухоролик мутафаккир Абу Али ибн Сино (980-1037) ҳам бир муддат Хоразмда яшаб, ижод қилган.

Кўҳна Урганч Хоразм давлатининг Х-ХIV асрлардаги пойтахти эди. Асли номи Гурганж, (араб географлари асарларида Журжония деб тилга олинади) IX асрда асос солинган.

Машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута (1304-1377) қадимий Урганчни Хоразм номи билан тилга олади. Кўпни кўрган сайёҳ таърифида эътибор беринг: «Бу энг улуг, гўзал ва улкан шаҳар, унда ажойиб бозорлар, кенг кўчалар, ҳушманзара жойлар бор. Шаҳарда аҳоли кўпلىгидан ҳаёт кайнайди, у гўё сермавж денгизга ўхшайди».

Ибн Баттута бозор кўнлар шаҳар ичкариси нийҳатда гавжум бўлганлигини ҳайрат билан таърифлайди. Бизнинг давримизда Кўҳна Урганч номи билан танилган бу шаҳар археологик қолдиқлардан иборат, унда бармоқ билан санарли бинолар сақланиб қолган. Шулар каторида Оққалъа, Фахриддин Розий мақбараси, Хоразмшоҳ Тақаш мақбараси, Қутлуг Темур минораси, Тўрабекхоним мақбараси, Назимиддин Қубро ва Султонали мақбараларини кўрсатиш мумкин. Улар ноёб меъморий ёдгорлик сифатида қадрлидир.

Халқ орасида ва илмий адабиётларда Хоразм сўзининг этимологиясига оид ўнлаб қарашлар мавжуд. Қадимда Хоразм дейилганда Амударёнинг қуйи оқими тушунилган. Хоразм ҳақида дастлабки маълумотларни «Авесто»да учратамиз. Хоразм номи билан боғлиқ ривоятларнинг бирида таъкидланганича, подшо ўзининг тўрт юз аскарлардан газабланиб, уларни қимсасиз чўлга ҳайдаб юбориш ҳақида фармон берган. Подшонинг амри вожиб. Орадан бир неча йил ўтгач, подшо улардан ҳабар олишни буюрган. Жулкарчилар уларнинг тирик эканлиги ҳақида хабар келтирган. Қувғин қилинганда «хор» ва «разм» билан ҳаёт кечирган эмиш. Шунинг учун подшо бу ерни Хоразм

ХОРАЗМ ТОПОНИМЛАРИ

деб аташни буюрган ва Хоразм элати шундай пайдо бўлган. Хоразм тарихи билимдонларидан бири, машҳур олим С.Толстов «Хоразм» топоними шу ҳудудда яшаган хварий қабиласининг номи билан боғлиқлигини айтиди. Шунингдек, қадимги сўғд тилида «хор» — «қуёш», «азм» — «ўлка», яъни «Хоразм» — «қуёшли ўлка» деган маънони англатади.

Хоразм воҳаси Хива, Урганч, Ҳазорасп, Ҳўжайли, Тўртқўл каби шаҳарлари билан машҳур бўлган.

Ибн Баттутанинг хоразмликлар таърифида айтганлари диққатга сазовор. «Дунёда ажнабийларга нисбатан хоразмликлардан ҳам ҳушмуомалироқ, олийҳимматироқ, меҳмондўстроқ одамларни ҳеч учратганим йўқ», деб таъкидлайди сайёҳ.


Қадим замонлардан бошлаб Хива шаҳри Хоразм воҳасининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Шаҳарнинг номи Х асрдан бошлаб ёзма манбаларда тилга олинади. Урта аср манбаларида у Хайвак, Хивак ва Рамл шаклларида қайд этилади.

Тарихий адабиётларда ёзилишича, XVII аср бошларида Хоразмнинг пойтахти Урганчдан Хивага кўчирилган. Бунинг сабабларидан бири Амударё

ўзанининг шимол томон силжиб, қадимги пойтахтнинг асосий обихаёт манбаи ва сув йўли — Амударёдан узоқлашиб қолишида эди.

Меъморий ансамблининг яхлитлиги жиҳатидан Хива Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Дастлаб ҳукмрон доиралар маскани, уларнинг сарой, мадраса, масжидлари бўлган Ичан қалъа (шаҳристон) вужудга келган. У Шарқнинг шаҳристонлари тарзида режалаштириб қурилган: ўзаро кўндаланг кесишган икки катта кўчали, шу кўчалардан 4 дарвоза (Боғча дарвоза, Полвон дарвоза, Тош дарвоза, Ота дарвоза) орқали рабботга — Дишан қалъага чиқилган.

Кўҳна арк — Хиванинг қадимий қалъаси, Ичан қалъадаги хон саройларидан.



Қалъанинг пайдо бўлиш тарихи Хива билан ҳамбарчас боғлиқ. Айрим тарихий манбаларда қалъа ва шаҳар қурилиши бир пайтда бошланган деб кўрсатилган. Бироқ арк ҳудудида ҳозир фалат XIX асрга оид бир неча бино сақланиб қолган.

Калтаман — Хивадаги меъморий ёдгорлик. Ичан қалъада Мухаммад Аминхон мадрасаси ёнида 1886 йили қурила бошлаган. Хоннинг фикрича, бу минора Марказий Осиёдаги минораларнинг энг гўзали, каттаси ва баланди бўлиши керак эди, лекин хоннинг бевақт ўлими туфайли минора чала қол-

ган, «калта» номи ҳам шундан. Ҳозирги ҳолатида баландлиги 26 м, асосининг диаметри 14,2 м.

XVIII аср охири - XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган хивалик муаррих Худойберди ибн Қўшмуҳаммад Хивакўйнинг «Дил гаройиб» асарида келтирилган маълумотларга қараганда, Хива шаҳри дастлаб Рамл деб юритилган. Рамл атамаси, арабча сўз бўлиб, «қумлок», «қумлик», «қумтепа»лар билан қопланган жой деган маънони англатган.

Шаҳарнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ривоятларнинг бирида айтилишича, Хивага Нух пайгамбарнинг ўғли Сом асос солган эмиш. Уз қабиладошлари билан кўчиб юриб, деб ҳикоя қилинади афсонада, Сом бу жойга келиб қолади. У тушида қум тепалари устида қўлпа машъаллар ёниб турганини кўради. Уйқудан уйғонгач, теваарак-атрофдан тупроқ суриб келиб, шаҳар ўрнини белгилаб кетади. Иккинчи марта у бу ерга келиб девор кўтарди, қалъанинг гарбий томонидан қудуқ қаздириб, бу жойни Хийвак деб атайди. Бўлғуси шаҳар Хива номи ана шундан келиб чиққан эмиш. Афсона афсоналигича қолаверди. Лекин одамларнинг биринчи ўрнашган ери хонлиқнинг бўлғуси пойтахти бўлганлигини, у қудуқ билан ҳақиқатан ҳам боғлиқ эканлигини тула асос билан айтиш мумкин. Бу қудуқ ёнида Туркистоннинг буюк сувсиз чўллари ни кесиб ўтган қарвон йўли бўлган. Қалъа деворларидан унча олис бўлмаган

ерда, Ичан қалъанинг шимоллий-гарбий қисмида шу кўнларда ҳам Хийвак қудуғи бор. Қудуқнинг тошдан ишланган деворлари унинг қадимийлигини далолат беради. Ҳозир ҳам у қават қилиб терилган тошларни кўриш мумкин.

Археологияга оид текширишлар шаҳарнинг VI-VII асрларга тегишли эканлигини кўрсатади. Қазималар вақтида шаҳарнинг марказидан чақмоқ тошдан ясалган тош қуруллар топилади. Дарҳақиқат, Хива сўзининг этимологияси Хивак, яъни қудуқ сўзига яқин, чунки сувсиз жойга қудуқлар қазилган бўлса керак.

Хоразм воҳасидан оқиб ўтувчи энг йирик дарё — Амударёдир. Дарёнинг дастлабки номларидан бири Ўқуз: массагет-туркий тилда бу оддийгина «сув», «дарё» дегани.

Юртимиз ҳақида китоб ёзган юнон тарихчилари дарёнинг Ўқуз деган маҳаллий номини Оқс, Оқсуз, Ақес тарзида ёзиб, гарбга маълум қилганлар. Шундан Амударёнинг юнонча номи — Оқс деган тушулча пайдо бўлган. Амударёнинг шарқ томони Трансоксиана деб аталган. Қадим замонда у Аранг, Аранха, Анахита номлари билан, ўрта асрларда Жайхун деган ном билан машҳур бўлган.

Хоразм воҳасида машҳур ёпиқ ҳавза — Орол денгизи жойлашган. Олдинлари Амударёнинг этакларида бир томони дарё, бир томони денгиз билан қуршалган майдон бамисоли орол ҳолида бўлган. Шу ер Орол эли деб, аҳолиси Орол қабиласи деб аталган. Шундан денгиз номи ҳам Орол бўлиб кетган.

«Қадимги муаллифлар Ўрта Осиё ҳақида» деган китобда айтилишича, қадимги юнон тарихчиси Геродот Хоразм ҳақида қўп маълумотлар қолдирган. Геродотнинг ёзишича, хоразмликлар гирканияликлар, парфияликлар билан бир-бирига яқин истиқомат қилганлар. Юнон тарихчиси тилга олган «гирканиа» сўзи қадимги туркий ёзувлардаги «Курикан» қабиласининг номи билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг асрлар давомида фонетик ўзгаришидан «Гурлан» варианты келиб чиққан бўлиши мумкин. Аммо бундан Гурланди аҳолининг номи гирканлардан келиб чиққан экан, деган ҳулосага келиб бўлмайди. Кичик бир овулнинг номи ҳам, оила бошлиғи ёки унинг бир аъзоси номи ҳам топонимикада асос бўлиб кетавериши мумкин.

Хоразм воҳасидаги жой номлари тарихига оид фикрларимиз якунида ҳулоса қилиб шунч таъкидлаймизки, бугунги кунда жой номларига эътиборсиз қарамаслигимиз лозим. Зеро, жой номлари нафақат узоқ ўтмишимиз, балки келгуси истиқболимиз кўзгусидир. Номлар тил бойлигимизни, миллий тафаккуримизни, маданий қиёфамизни намоён қилиб туради.

Адҳам АШИРОВ,
тарих фанлари номзоди

УМР МЕЗОНИ — ҲАЛОЛЛИК

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос
Қутим Раҳмонов ҳузурида

Устозлар сўхбати қўнғилга ўзгача ҳушқоллик бахш этади. Ҳаётнинг ҳали эшитмаган, ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаганинг янги кирраларидан воқиф бўласан. Устоз ҳуқуқшунос Қутим Раҳмоновнинг сўхбати ҳам самимийлиги, мароқчилиги билан сўхбатдошга ҳуш қайфият улашади.

— Вақт бебаҳо неъмат, унинг қадрига етиш керак дейишди. Бугун, 67 ёшимда, ортимга назар ташлар эканман, улгурган ва улгурмаган ишларим ҳақида ўйлайман. Бугун умр эл хизматига бўлганим учун қалбимни шукроналик чулғайди. Навқирон кезларимни эслаб, ҳаёлан куч оламан. Фуқароларимиздаги интилиш мени қувонтиради. Тўғри, ҳали хатолар, тушунмовчиликлар бор. Бу табиий. Муҳими, бизда қонунга ҳурмат туйғусининг шаклланаётганидир.

— Домла, ҳуқуқшунос сифатида эллик йиллик тажрибага эгасиз. Бу касбга муҳаббат сизда қандай пайдо бўлган?

— Ҳазораспикман. Биз бола кезларимиз суд мажлислари очик тарзда ўтказиларди. Мактабга бозор ёнидан бориб келарди. Йўл-ўйлакай ҳар кўни судлов харабинини томоша қилардим. Шу қизиқишларим, суд мажлисларидан олган таассуротларим мени бу соҳага бир умрга боғлаб қўйди.

— Билишимча, сиз прокуратура ва тергов идораларида 41 йил самарали ишлагансиз. Жиноятчиликка қарши курашдаги тажрибаларингиз ҳақида гапириб берансиз.

— Шаҳар прокурори эдим. Бахтсиз тасодиф ҳақида хабар келди. Зудлик билан воқеа жойига етиб бордик. Қуюқ ҳиди анқиб турар, бир аёл ўлиб ётар, устига дазмол қўйилганди. Шерикларим «дазмол қилиб ўтирганда ҳушдан кетган бўлса, дазмол устига йиқилгандир» деган тахминни билдиришди.

Менга эса бу пухта ўйланган қотилликдай туюларди. Ишни ёпишга йўл қўймадим. Қотилни топишнинг турли тахминларини ишлаб чиқдик. Жиноятчи топилиди ва жазоланди.

Прокуратура-тергов ходимлари воқеа жойини ўрганишда ҳеч нарсаси бекор бўлмадиликлар керак. Машиин, иқтисодий ва бошқа сабабларни ипидан иғнасигача ўрганиб чиқиш зарур. Тахминларнинг маълум асосларига таяниб, пухта тузилиши ишда асосий аҳамият касб этади.

Биласизми, инсон ҳуқуқларининг 40 дан зиёд тури қайд қилинган. Совет тузуми даврида улар умумлаштирилиб ўргатиладди. Бугун давр ҳуқуқшуносларимизнинг ҳам ихтисослашиши талаб қилимоқда. Бу эса ўз навбатида қонунчиликнинг янада мустаҳкамланишига, ҳуқуқий демократик давлатнинг шаклланишига самарали таъсир кўрсатади.

— Инсон ҳаёти давомида қимдандир ўрганиб, қимдандир ўргатади.

— Албатта. Мен ҳам устозларим Раҳимберган Каримов, Абдулла Давлетовлардан ўз вақтида ўрганиб, тажрибаларимни Матназар Отабоев, Ҳабибулла Абдуллаев, Қасрамон Нурметов, Пўлат Бобононов, Худойберди Жуманиёзов каби шогирдларимга ўргатишга ҳаракат қилдим. Шогирдларимдан мамнунман.

— Шоир айтмадики, «Уйда тилич бўлсан йўлнинг аввали».

— Жуда бамаъни фикр, шахсий ҳаётингиз осуда бўлмаса, ҳеч нарсаси эришмайсиз. Рафиқан ўқитувчи. Бу унинг мени тушунишида ва фарзандларимизни тарбиялашида катта кўмак беради. Тўрт фарзандим турли соҳаларда хизмат қилишмоқда. Тўққиз неварам бор. Болаларимга бир нарсани, умр мезони — ҳалоллик эканини қўп таъкидлайман. Инсон ҳалоллиги орқалигина камол топади, эл-юрт орасида ҳурматга сазовор бўлади.

Мухаббат ТЎРАБОВЕВА
сўхбатлашди



— Болаларимиз бахтимиз, эртаимизнинг эгалари, — дейди Хоразм вилоят прокуратурасининг криминалист прокурори Ж.Қомиллов. — Уларнинг озод ва обод Ватанда яшашлари учун ҳар қанча ишласак ҳам кам.

ГИЁҲВАНДЛИК — ЖИНОЯТЛАР ДОЯСИ



Хабибулла АБДУЛЛАЕВ,
Қўшқўпир туман прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

Яқинда бир газетда ғалати хан-да ўқиб қолдим.

Эмишкни, бангининг эшигини Азроил тақиллатибди.

— Сени олиб кетгани келдим, — дебди Азроил эшикни очган гиёҳванд.

— Майли, фақат менда озроқ бор, бир тортайлик, кейин кетамиз.

Тортишибди ва Азроил кетибди. Эртасига яна келибди.

— Яна озроқ бор эди, тортайлик, кейин кетамиз, — дебди гиёҳванд.

Тортишибди ва Азроил ёлғиз кетибди. Учинчи кун Азроил гиёҳванднинг эшигини яна тақиллатибди. Бу сафар гиёҳванд оғиз жуфтлашга улгура олмабди.

— Оз-оз тортайлик, кейин мен кетаман, — дебди Азроил.

Латифани ўқиб эл қатори кулдим, бироқ бу кулги аччиқ ва аламли эди.

Бугун гиёҳвандликка қарши курашиш ҳар биримизнинг виждон ва жамият олдидаги қарзимизга айланиши керак. Фуқароларимизда ана шу туйғуни шакллантириш,

гиёҳвандликка қарши курашга чорлаш осон кечмаяпти. Деярли ҳар кун одамлар орасида — маҳалла-қўй, жамоат ташиқлотлари, мактабларда бўлиб, гиёҳвандлик ва унинг оғир оқибатлари ҳақида суҳбатлар уюштираямиз, маърузалар ўқиямиз, ҳаётий далиллар ёрдамида унинг нақадар даҳшатли эканлигини тушунтираямиз.

Йил бошида Қўшқўпир туман ҳуқуқни муҳофаза қилуш идоралари билан ҳамкорликда 2000 йил давомида содир этилган гиёҳвандлик жиноятларини таҳлил қилдик. Мувофиқлаштирувчи кенгашда атрофлича муҳокама қилиб, маълум тўхтама келинди. Жамоатчилик билан ҳамкорликда бу иллатқа қарши курашишга келишиб олинди. Маҳалла фаоллари ёрдамида гиёҳвандликка ружу қўйган ва унинг савдоси билан шугулланишда гумон қилинган шахслар рўйхати тузилди. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи 177 нафар, сотишда гумон қилинган 35 нафар шахс ўрганиб чиқилди. 33 фуқаро нарколегия диспансерида ҳисобга қўйилди. Уларни мажбурий даволаш чоралари қўрилмоқда.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, гиёҳвандлик бошқа тур жиноятларнинг урчишига замин ҳозирлайди. Утган беш ой давомида ҳисобга олинган жиноятларнинг деярли ярми гиёҳвандлик билан боғлиқ. Айни пайтда гиёҳвандлар қонуний жазога тортилаётгани сабабли бошқа тур жиноятларнинг камайишига эришилди. Бундай кўрсаткичлар таҳлили гиёҳвандликка қарши кураш тадбирларини янада жаддалаштиришга рағбат беради.



Рўзимбой Худойбергенов:

Ватан жондай азиз дейишди. Бу сифат Ватан таърифига камлик қилади. Менга ё ҳаёт, ё Ватан десалар, Ватан деган бўлардим.

Ватанини қайсимиз тилда, бошқамиз дилда севаимиз. Аммо Рўзимбой аканинг сўзлари шунчаки гап эмас.

— Собик Иттифок даврида менинг чекимга ҳарбий хизматни узоқ ерларда ўташ тушган, — Рўзимбой ака ҳаёлга чўмади. — Хизматга борганимизга ҳали бир ой бўлмаганди. Ўз-ўзидан сикла бошладим. Нимадир етишмаётгандек туюлаверди. Бир кеча тонг отгунча йиғлаб чикдим. Ўша кеча илк бор Ватан нималигини англадим. Менга етишмаётган ҳам Ватан эди.

Ҳарбийдан қайтган Рўзимбой Ички ишлар тизимига ишга келди. Фаолиятини Урганч шаҳар Ички ишлар бўлимида бошлаган 20 йашар йигит кейинчалик Шовот тумани ИИБ қўриқлаш бўлимида хизмат қилди. 1986-88 йилларда Тошкент ўрта-максус милиция мактабида тахсил олди, кейинчалик Қўшқўпир туманидаги «Ғазавот» ҳудуди участка инспектори, туман жиноят қидирув бўлими тезкор вакили сифатида турли жиноятларни фош қилишга, уларнинг олдини олишга ўз улушини қўшди. Мана беш йилдирки, Шовот тумани ИИБ жиноят қидирув бўлими бошлиғи.

— Ёшлигимизда Эркабой ака Собиров деган милиция ходими бор эдилар. Тез-тез мактабимизга

ташриф буюрар, ножўя ҳаракат, нопок қадам нималарга олиб келишини ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтириб берарди. Ўша кезлари Эркабой аканинг кийимига, қатъият билан сўзлашига қалбимда қандайдир ҳавас уйғонди.

— Касални даволашдан олдин олаш осон, дейишди.

— Тўғри фикр. Кейинги пайтларда тарғибот ишларига жиддий эътибор берилмоқда. Учрашувлар, суҳбатлар шунчаки баёнома учун эмас, балки халқ гуруҳини уйғотиш, жиноятчиликнинг олдини олиш учун ташкил қилинмоқда.

Аммо жиноятчиликни таг-томи-

Бизнинг айрим гумроҳ юртдошларимиз-чи?..

Суҳбатдошим жимиб қолади. Назаримда унинг кўз олдида ўтган йилги Тошқовузда бўлиб ўтган воқеа гавдаланган эди.

Э.Худойбергенов, Б.Саидназаровлар ҳуқуқ-тартибот идораларига «Ваҳобийлик йўлига адашиб кўриб қолибмиз» деб пушаймон бўлиб ариза билан мурожаат этганликлари учун авф этилган эди. Улар судда гувоҳ сифатида иштирок этаётиб, маслаҳатни бир жойга қўйиб қочиб кетишди. Тезкор гуруҳ уларнинг Тошқовуза вилоятидаги уйларнинг бирини макон топганлигини аниқлайди. Тезкор гуруҳ туркменистонлик ҳамкасблари билан Эрназар ва Бахром жойлашган уйни қуршовга олади.

— Кириб борганимизда, — эслайди Рўзимбой ака, — Бахром ерда, Эрназар диванда ётган экан.

«ВАТАН ТИРИКЛИГИМИДИР»

ри билан йўқотиш учун ҳар бир инсон курашиши керак. Бу кураш одамнинг ичида бошланиши лозим. Ташқи таъсирдан ички таъсирнинг босими кучли бўлади. Атрофдагиларнинг яхши кўриши, ҳурмат қила билиши, уни эзгуликка чорлайди.

— Сизнингча, энг оғир жиноят тури нима?

— Одатда бу саволга қотилик, деб жавоб берилади. Менимча эса ватанфурушлик. Аслида ватанфурушликни жиноят деб аташ камлик қилади. Бу гуноҳлар ичида энг оғири, энг тубани.

Қайсидир ҳикояда ўқигандим. Қадим давлатда юртнинг энг бой кишини душман давлатга элчи қилиб жўнатишди. Бой сафарнинг бор харажатларини ўз бўйимага олади. Шохона кийимлари, залворли киффаси билан давлатнинг қудратини намойиш қилади. Шохининг топширигини аёло даражада удалайди. Юртига қайтган, фақирликда умр кечиради. Унинг учун юрт шаъни ҳар нарсадан банд эди.

Эрназарнинг қўлида портловчи модда бор эди. Икки-учта бўлиб унга ташландик. У шу пайтда запални торттиб юборди. Ҳаммамиз портлади...

Рўзимбой ака бу ҳақда бошқа гапирмади. Унга осон эмаслигини ҳис қилган ҳолда бошқа савол бермадим.

— Ватанини севинг, деб бировга айтиб бўлмайди. Ватанга муҳаббат вужудга алла билан кирди. Фақат киши улғайганча ўзидаги ана шу туйғуни каиш қилади, — дейди Рўзимбой ака.

Рўзимбой Худойбергенов Ички ишлар тизимидagi 25 йиллик фаолияти давомида юзлаб жиноятларни фош қилишга, Ватан равақига тўсиқ бўлаётган зулукларни йўқотишга самарали улуш қўшди. Ушбу хизматлари эвазига «Жасорат» медали билан тақдирланди.

— Ватан тириклигимиз, — дейди Рўзимбой ака, — Унга хизмат қилиш, жон фидо этиш эса фуқаролик бурчим.

М. ТУРАБОВЕВА суҳбатлашди

ЁВУЗЛИК

Уч кундан бери уйига қайтмаётган эрининг жасади топилганини эшитиб, Мухаббат дод солди. Сочларини юлиб фарёд кўтарди:

— Эй худо. Бу қандай кўргулик. Кимга ёмонлик қилган эдик!

Мухаббат билан Шўхрат жуда иноқ яшашарди. Аслида у турмуш ўртоғига кўнгли қўйиб теккан, оила тутувида ҳам кўнгли тўқ эди. Унинг ёнида ўзини бахтиёр ҳис қиларди. Шўхрат болаларини, айниқса, қизи Ферузани эркалатиб, машинада саёҳатга олиб чиққанида Мухаббат яратганга минг бора шукроналар айтган.

Энди эса... Ҳамон ўша манзара кўз олдида кетмаяпти.

Шўхрат эрталаб чиқиб кетгани бўйича уйга қайтмади. Тонггача унинг йўлига кўз тикишди. Эрталаб ҳамма танишларига кўнжирок қилиб, уни суриштиришди. Дарағи топилмади. Индингаям шу ахвол.

Узоқроқ сафарга кетган бўлса, эрта-индин келиб қолар деб, ўзини юпатди шўрлик аёл. Хатто уйга қайтса яхшироқ гина қилиб олишни ҳам кўнглига тугиб қўйди. Аммо...

Шўхратнинг илма-тешиқ бўлиб кетган жасадини қўриб Мухаббат ўзини йўқотиб қўйди. Тамом. У учун ҳамма нарса тугагандек эди гўё. Ҳаётнинг қувончи ҳам, ўзининг юпаничи ҳам, болаларининг паноҳи ҳам энди йўқ. Унинг қалбини бир томондан айрилиқ

кемирса, бир томондан алам кемирарди. Ким? Нима учун бундай ёвузлик қилди? Кимнинг қасди бор эди? Ахир у ҳеч кимга озор бермасди-ку.

Йиллар ўтди. Вақт айрилиқ ўзининг ҳоврини бироқ босган бўлса-да, бироқ Мухаббатнинг юрагини ҳадик тарк этмаганди. Бирон ёмон одам бизга қасд қилган, бир кун келиб болаларимга зиён етказмасе эди, деб қўқиб яшарди. Эшик тақилласа бир сапчиб тушадиган бўлди. Кўчага чиқса кимдир уни таъқиб қилаётгандек туюларедди. Туналар болаларини бағрига босиб, тезкор тонг отишини кутарди. Кундузлари кўчага чиқса эрининг чавақланган жасади қайта-қайта кўз олдида келаварди. Бироқ у бу кўркувларни болаларига сездирмади. Шундоғам қизи Феруза дадасидан айрилганидан бери жуда одамови бўлиб қолган. Нукул дадаси эшитадиган ашулаларни қўйиб эшитида...

Танишган пайтларида Равшан туппа-тузук йигитга ўхшаганди. Светлана унинг ширин сўзларига маҳлиё эди. Анчагина бир-бирини синаб юриб, турмуш қуришди. Фарзанд дунёга келди. Аммо йилдан-йилга Равшан ёвузлаша борди. Хотини оғзини очгудек бўлса, чавақлаб ташлайман, деб қўқитарди.

Светлана ундан ҳақиқатдан ҳам қўрқа

бошлади. Ахир бир марта бундай ишни қилган одам, иккинчи марта тап торттиб ўтирармиди.

— Нега ўшанда ҳеч қаерга хабар қилмадим? Нима учун унинг жиноятини сир тутдим? Охир-оқибат, мана, ўз бахтимга ўзим зомин бўлдим. Ёш жонимни бир жаллод қўлига топширган эканман.

Лекин Равшан уни осонликча қўйиб юбормайди. Ахир у ҳаммасидан хабардор. Шунча йилдан бери ҳиди чикмаган ишнинг энди мисини чиқариб қўйишдан қўрқади. Энди ё Светлана билан умрбод яшашга, доимо у билан бирга бўлишга ҳаракат қилади, ёки...

Светлана кеч бўлса-да, аклини жиплаваб олди. Бир марта жиноят қилган одам яна бир бор тақорлашиш мумкин. Балки бу гал чек ўзига тушар. Светланани ваҳима босди. Ўша пайтда Равшаннинг кўзлари олазарак бўлиб кетган, кўллари қонга бўлган аллозда уникига кириб келганини эслади.

Эртаси кун ҳеч иккиланмасдан ички ишлар бўлимига кириб бориб, бор ҳақиқатни ёзиб берди.

Бундан роппа-роса уч йил бурун бутун воҳога ваҳимали бир хабар тарқалган эди. «Шовот» каналига «Тик» маркали автомашинани чўктириб юборишибди. Эгаси ҳеч қаерда йўқ.

Ушбу воқеа юзасидан зулдил билан тезкор қидирув ишлари бошланди. Бир ҳафтадан кейин, 1998 йил 6 май кун эса «Октябрь» канали киргоғидан сувга чўктирилган «Тик» автомашинасининг ҳайдовчиси Шўхрат Бобоевнинг илма-тешиқ бўлиб кетган жасади топилди.

Йил давомида Урганч шаҳар ва Хоразм вилоят прокуратуралари томонидан бир қатор тезкор-тергов ҳаракатлари ўтказилса-да, жиноятчилар топилмади. Фақатгина марҳумнинг қариндоши Комил Қаландаров 1998

йил 29 апрель кун Ш.Бобоевнинг машинасини 18-20 ёшлар чамасидаги қора қўзойнақ таққан бир ўспирин бошқариб юрганлигини кўрганлиги ҳақидаги бир факт бор эди, холос.

Жиноятни содир қилган шахс аниқланмаганлиги сабабли жиноят иши вақтинча тўхтатилди.

Орадан йиллар ўтди.

2001 йилнинг 11 февраль кун вилоят ИИБга бир аёл кириб келди. Бу аёл эрининг зуғумларидан бешиб кетган, унинг танобини тортиб қўймоқчи бўлган С. Машарипова эди. У ёзма ариза бериб, унда Шўхрат Бобоевни турмуш ўртоғи Равшан Машарипов ва унинг қариндоши, Музаффар Оламовлар ўлдирганилигини кўрсатади.

Панжара ортида иккита навқирон йигит, суд залида ўтирганлардан юзини яширишди. Чунки у ерда уч фарзанди билан бева қолиб қон йиғлаган аёл, қариган чоғида фарзанд доғида қўйиб адо бўлаёзган ота, жигарларининг қўйида ёниб, ҳамон айриликча чидаёлмаётган ака-сингилларнинг кўзидagi нафрат уларни таъқиб қиларди. Шундай ўғилларни дунёга келтирганликлари билан минг бор пушаймон бўлиб, эл-юрт орасида юзи ерга қараган, уятдан қадрлари буқилган оналарининг норози нигоҳлари уларнинг жисмига ханжардек ботарди.

Ҳукм ўқилди. Воқеа тафсилотлари яна бир бор тақор эшитириляётганида залдан аёл кишининг хўн-хўн йиғлаган овози эшитилди:

— Шу умид билан ўстирганмидим сени, болам-а?

Р.ФОЗИЛОВ,

Вилоят прокуратурасининг жиноятлари тергов қилиш бўлими катта терговчиси.

М.ИСМОИЛОВА,
журналист

ТЕРГОВЧИ ФАОЛИЯТИДАН

Терговчиларнинг иши детектив асарлардаги каби ёки «Колумбо» туркумидаги фильмларга ўхшаб гаройиб саргузаштлардан эмас, худди игна билан кудук қазигандек оғир меҳнатдан иборатлигига Адҳамжон билан гаплашганимдан кейин ишонч ҳосил қилдим. Тўғри, ҳар бир жиноят бир-биридан фарқ қилади. Ўта оғир жиноятни тергов қилаётганда, қотил аниқланаётганда тезкор-тергов гуруҳидаги изсуварлардан тортиб, гуруҳ раҳбарига ором нимагини билмай, кунни тунга, тунни кунга улаб, тинмасдан ишлашади.

— Бошлаган ишни охирига етказгунимча масъулият, жавобгарлик ҳисси елкамни тошдай босиб туради, — дейди Адҳамжон. — Иш судга оширилиб, ҳукм ўқилгандан кейин нафас ростлайман.

Лекин у ана шу таранг руҳий ҳолатини атрофдагиларга сездирмайди. Бир хил кайфиятда, одадий кундалик ишлар билан машғулдай юраверади. Прокуратура идораларидаги қарийб ўн олти йиллик фаолияти давомида феъл-атворида шаклланган бу фазилат ҳар қандай вазиятда ўзини бир хил тутати билмишга ўргатди.

Сўх туманидаги Сариканда қишлоғининг Бобораҳмонкул ака хонадонидан ўн икки фарзанд улғаяр, фарзандларининг олий маълумотли бўлишини ти-

нинг вазифаси фақат жазога тортишдан иборат. Аслида у муайян ишдаги томонларнинг — жабрланувчи, ҳатто айбланувчининг ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлайди. Шунингдек, айби бўйига қўйилган айбланувчи томонидан такрор жиноят қилиш имкониятига барҳам бериб, ишга алоқаси йўқ фуқароларнинг мулк ҳуқуқи, яша ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

— Ишимга халақит берадиган ҳолатлардан бири — фуқаролардаги собик тузумдан қолган прокуратура жазоловчи идора, деган тушунчадир. Сўроққа қақирилган мутлақо бегуноҳ кишилар ҳам безовта бўлиб ўтиришади. Жиноятни содир қилган кишидаги қўрқув билан бу айбсиз айбдорлик ҳиссини ажратиш олиш мушкул. Прокуратура фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи орган деган фикрни кишиларга тезроқ сингдира олсак эди...

— Терговчи психолог ҳам бўлиши, сўроқ бераётган шахснинг руҳий ҳолатини сўз оҳанги, кўзларидаги маъно, бошқа хатти-ҳаракатларига қараб фарқлай билиши лозим.


— Иложи бўлса, ҳамма касблардан хабардор бўлса, ишга ёрдам беради, — дейди Адҳамжон. Рашк туфайли ўз хотинини бошидан жудо

ҚИЛМИШ-КИДИРМИШ

ШАҲАРДА КЎПДИР КИШИ...

Нима қилсанг ҳам, тинчгина тирикчилигини қилиб юраверган маъқул экан. Ҳар қалай озодликда юрасан. Юзинг ёруғ, ўзинг эркин бўласан. Нима бўлганда ҳам туғишганларинг, бола-чақанг, ёру биродарларинг олдида бўласан. Ёруғ оламда одам боласи учун эрдан, озодликдан муҳим нарсанинг ўзи йўқ. Мана шу фикру хаёл қонунбузарлик, ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этиб, оқибатда жазо муддатини ўтаётган маҳбуслар қатори Дилмуроднинг ҳам бугун бот-бот кўнглидан кечаётган бўлса бордин.

Келинг, яхшиси Дилмурод деганимиз ким-у, қайси қилмиши учун панжара ортида ўтирганлиги ҳақидаги тафсилотни баён қилайлик-да, кейин унга ўз муносабатимизни билдирсак.



Бепоеён Сурхон воҳасига сифмаганлиги учун эмас, ўзига мос тузукроқ иш тополмаганилиги сабаб Дилмурод Хидиров пойтахтга қараб йўлга чиқди. Кишлоқнинг боласи эмасми, меҳнаткаш, ғайратли Дилмурод тезда ишни «Отчолар» бозорида аравақашликдан бошлаб юборди.

Пул топишининг, албатта ҳалол меҳнат билан топишининг айби йўқ. Барака ҳам пешона тер билан топишган пулда. Анчадан буён пул қўрмаган кўлларни пул қўрди. Топган пулдан уйига — оиласига жўнатиб турди. Хуллас, ҳаммаси жойида эди. Аммо Дилмурод ичкиликка ружу қўйди. Табиийки, ҳаётдан ҳаловат, чўнтагидан барака қочди. Уйига пул жўнатиш, бола-чақасидан бориб хабар олиб туришни тез-тез «эсидан чиқариб» турадиган бўлди. «Кўр кўрни қоронғида топади» деганларидек, ўзига ўхшаганлардан уфат орттирди. Дилмурод иродасизлик, сархушликка мукка кетиш сабаб, кунда-кунора ичар эди. Ижарада бирга турган шериклари ҳам унинг бу одати-га қўниқиб қолишди.

Ўтган йили қўлдамда, аниқроғи, 23 март кун Сурхонда йилбошилар ўтказиётган, ўриқлар гулга кирган чоғда Тошкент бозорларида арава тортиб юрган қаҳрамонимиз ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлди.

Шу кун бозордан эртароқ қайтган Дилмурод ҳамхонаси Мамадсалим билан уфатчилик қилгани кўчага чиқди. Чўнтақ кўтарганича «заҳриқотил»дан сотиб олишди. Ичишди. Гаплари ҳам яхши чиқди. Уфатчилик маромига етай деб турганда, Дилмуроднинг Эркин ва Исмаи деган икки уфати «базми жамшид» устига келиб қолишди. Саҳийлиги тутган уфатлар галла-галдан шерикларини сийлар, бўшаган ишларлар саногини ортиб борар эди. Шу орада Исмаи билан Мамадсалимнинг гапи тескари келиб, тортишиб қолишди. Исмаи «четга обчиқиб» гаплашгани Мамадсалимни китоб омборхонаси чеккасига судради. Аҳвол муштлашувга айланганда, Эркин билан Дилмурод уларни ажратишга уринишди. Мастликда ким бировнинг гапи-га қиради, айниқса, маст одамнинг гапи.

Исмаи анча маст бўлиб қолган, гапи қирмаётган, боёгина уфат, энди эса рақибга айланган Мамадсалимни чалиб йикитди. Дилмурод ва Эркин

худди шуни кутиб туришгандай Мамадсалимга ташланиб, уни тепкилаб ташлашди. Мастлик оқибати бўлган шуурсизлик Дилмуроднинг қўлига ерда ётган каттақон тошни тутқазди. Дилмурод ҳолсиз ётган М.Эрназаровнинг бошига тош билан қандай урди, нима учун урди, кейинчалик ўзи ҳам тушу-нолмади. (Дастлаб, «Мен эмас, Эркин урди» дея терговни қалғитмоқчи ҳам бўлди). Учовлон бир инсонни ча-лажон қилиб ташлаб кетишди. М.Эрназаров бошидан олган оғир жараҳати туфайли воқеа жойида жон беради.

Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Дилмурод Хидиров ва унинг шериклари содир этган қотиллик ҳам жазосиз қолмади. Д. Хидиров суд ҳукми билан 15 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик. Дилмурод Тошкентга нима мақсадда келган эди? Албатта қотиллик қилиш учун эмас. Биз кўпинча бирор кишининг ноҳўй хатти-ҳаракати учун атрофдагиларни айблашга ўрганиб қолганмиз. Ўша муҳитдан айб қидирамиз. Лекин ўша муҳитдагиларнинг ҳамма-си ҳам жиноят содир этмайди-ку. Фақатгина шайтон йўриғига мойил кишигина жиноятга, айниқса, оғир жиноятга қўл уриши мумкин. Бу билан ҳамма сабабни шахснинг ўзидан қидириш керак, деган фикрни айтмоқчи эмасмиз. Албатта атрофдагиларнинг ҳам роли катта. Мисол учун юқорида содир этилган жиноят тафсилотида эътибор беринг. Уч йигит кўчада бир йигитни ўртага олиб тепкилаётган бўлса-ю, ҳеч кимнинг иши бўлмаса. Лоқал милицияга хабар қилишнинг имкони бор эди-ку! «Шаҳарда кўпдир киши, ким билан кимнинг иши», деганлари шунинг ёки?

Тергов жараёнида маълум бўлдики, марҳум М. Эрназаровнинг ҳамхоналари унинг ўша кун кечқурун воқеа жойида ҳушсиз ётганини кўришган, лекин қўрмасликка олишган. «Одатда» гаплашгани Мамадсалимни китоб омборхонаси чеккасига судради. Аҳвол муштлашувга айланганда, Эркин билан Дилмурод уларни ажратишга уринишди. Мастликда ким бировнинг гапи-га қиради, айниқса, маст одамнинг гапи.

Исмаи анча маст бўлиб қолган, гапи қирмаётган, боёгина уфат, энди эса рақибга айланган Мамадсалимни чалиб йикитди. Дилмурод ва Эркин

ЭНГ МАШАҚҚАТЛИ ЖАРАЁН

лаган отахоннинг уй кутубхонаси бор эди. Бошқа ака-укалар, опа-сингиллар ичида Адҳамжон китобга ўчлиги билан ажралиб турарди. Лев Шейниннинг «Терговчи қайдлари» китобини қайта-қайта ўқир, ўзини жиноятлари фош этаётган қонун ҳимоячилари ўрнида тасаввур қиларди. Ўқишни битирганидан кейин аввал корхонада юрист, кейин виллоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори лавозимларида ишлади. Бўлим бошлиғи Галина Сагатовна, ўша пайтдаги виллоят прокурори Абдулла ака Отажоновлардан кўп нарсга ўрганди.

— Галина Пименовна тақдиримизда ҳар доим бузилган қонуннинг моддасини албатта асос қилиб келтиришни, қонунбузарлиқни бартараф этишни йўл-йўригини кўрсатишни талаб қиларди, — эслайди Адҳамжон. У Қирғули, Сўх туманларида прокурор ўринбосари лавозимларида ишлади. Лекин энг узок ишлагани — алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи лавозимидир. Бу иш кишидан мардлик, сабр-бардош, ўта синчковлик, ўткир мулоҳаза, манتيқий ақл-заковатни талаб этади.

— Жиноятни фош этиб, айбдорга ҳукм чиқаришнинг энг сермашаққат жараёни — тергов, — дейди Адҳамжон. — Судда тайёр далиллар билан иш кўрилса, терговчи бу далилларни излаб топиб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб чиқиси керак. Ҳар бир далилнинг исботи бўлмаса, иш қайта терговга оширилади. Ана шу эҳтимом тергов мукаммал низоҳасига етганига ишонч ҳосил қилмагунимча ёкамдан ўшлаб туради. Доим айбсизлик презумпциясига риоя қиламан. Бу фуқароларнинг ҳуқуқи ва уни албатта ҳурмат қилиш керак...

Шу ўринда Адҳамжон яна бир даққатга сазовор фикрни айтди. Билмаганлар назарида терговчи-

қилиб, яланғоч ҳолда пахта терадиган этак-қопга солиб, Катта Фарғона каналига ташлаб юборган қотилнинг айбини бўйига қўйишда ҳам синчковлиги иш берди. Жасад каналдан Андархон қишлоғи ёнида тортиб чиқарилган эди. Тезкор-тергов гуруҳи аъзолари ва Бешариқ тумани милиция ходимлари ўн уч кун турли тахминлар бўйича тинмай ишлашди. Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳрида хотини Тошкентга кетиб бир неча кундан бери келмаётгани тўғрисида милицияга хабар берган, уйида саватча ясаш билан шуғуллангани одамнинг хонадонига Адҳамжоннинг диққатини айвон шипидаги сими олиниб, ўрни қорайиб турган ёғоч торди. Жасад солинган қоп айнан ана шундай сим билан боғланганди. Сим бўлаклари таққосланганда бир хил бўлиб чиқди. Яхшилаб тозаланган, ювилган уйнинг палосидики тирикдек қора доғ — қон томчиси марҳуманинг қон гуруҳига мансуб эди! Яна бир қатор далиллар қарши-сида тили калимага келмай қолган эр қотиллигини тан олишдан бошқа илож топа олмади...

— Аслида покиза бу марҳума жаҳолат қурбони бўлди, — деди Адҳамжон ўйга толиб.

Терговчи ишининг вақти-соати йўқ, дам олиш, байрам кўнлари камдан-кам насиб этади.

— Мен ва оилам учун Мустақиллик куни энг азиз байрам! — деди Фарғона виллоят прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Адҳамжон Полвонов. — Маърифат барчанинг дилини бирдай ёритиб, меҳр-оқибат ришталари сираям узилмаса, жаҳолат чекиниб жиноятга бирон-бир сабаб қолмаса қанийди!

Исроил ИБРОХИМОВ,
«Хуқуқ» муҳбири



А.ТУРАЕВ оқсам сурат

Вараён маъсаралари

Дилшод ПАРДАЕВ,
Тошкент шаҳар
прокуратурасининг бўлим прокурори,
Фазилат ЁДГОВА,
«Хуқуқ» муҳбири

АКС-САДО

“Хукук” газетасида “Рак билан юзма-юз” очерки эълон қилинган. Буён бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Мамлакатимиз тиббиёт тизимининг муҳим бир тармоғида жаҳон андозалари даражасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиб, фавқуллодда катта самараларга эришган моҳир жарроҳ-онколог, профессор Ғолиб Ҳақимов фаолиятининг айрим қирралари ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур очерк газетхонларимизда катта қизиқиш уйғотди. Турли вилоятлардан фуқароларнинг жарроҳ-онколог манзилини сўраб таҳририятга мурожаат қилганликлари, очеркка муносабат тарзида битилган мактублар шундан гувоҳлик беради. Келинг, уларнинг айримлари билан танишайлик:

“...Раҳматли онам ҳаётдан эрта кўз юмди. Отамиз онамнинг дардида маҳкам излаб бош урмаган касалхона, табиб оstonаси қолмади, — деб ёзди Тошкент вилоятидан М. Унаров. — Охири марта шаҳардаги шифхоналардан бирида ошқозон раки хавфли ўсмаси таъхис қилиниб, даволашнинг иллати йўқ дейишди, умид узди онамни уйга олиб қайтди. Онам бир неча ой тўшаққа мисланиб ётди. Онамнинг тортган азобларини эслаسام...”

“Рак билан юзма-юз” мақоласини ўқиганимдан сўнг юрагимдаги армонларим яна бош кўтарди. Ғолиб Ҳақимов ҳақида нега эшитмаган эканмиз, билганимизда балки онамни у кишига кўрсатармидик, балки ҳаммаси бошқача бўлармиди, деб савол бераверман ўзимга. Ахир у киши қанчадан-қанча оғир касалларни операция қилиб даволабди-ку...”

Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридан кўнгирок қилган газетхонларимиздан бири: “Ҳали дориси топилмаган бўлса, раки даволаб бўларканми, яхшиси, бу касаллик ҳақида батафсил маълумот бера оласизларми?” деб савол берган эди. Ғолиб Ҳақимов муваффақиятли амалга оширган, илмий асосланган, мураккаб жарроҳлик операция-

ўсмаларга ажратиб ўрганади. Ҳозирги пайтга келиб, инсон танасида ўсма пайдо бўлиши ҳақида турлича назарий қарашлар мавжуд бўлиб, улардан иккитаси етакчи ўрин тутди. Бу назарияларни лўнда тушуниришга ҳаракат қилайлик. Биринчи етакчи назария тарафдорлари хавфли ўсмаларнинг келиб чиқиш сабаблари турлича, лекин ривожланиш тарзи бир хил деб изоҳлайдилар. Яъни, уларнинг фикрича, турли физик, кимёвий ва биологик омилларнинг салбий таъсири натижасида организмда ўсма пайдо бўлади. Иккинчи назарияга кўра, инсон танаси бирор аъзосида ўсманинг ривожланиши турлича кечади, лекин унинг келиб чиқиш сабаби битта, яъни вирус билан боғлиқ.

Бутун умрини онкология фанига бағишлаган олимлар ҳозиргача 200 дан зиёд онкоген вирусларни кашф қилдилар. Сўнгги йилларда ўсма пайдо қилувчи эндоген (ички) вирусларнинг топилиши ҳам жаҳон тиббиётида катта воқеа бўлди. Бу кашфиётлар ўсмалар ҳақидаги вирус-генетика назариясининг ривожланишида муҳим босқич бўлиб кирди. Тажрибаларда аниқланишича, ҳар қандай ҳужайра эндоген вируслар ҳосил бўлиши учун керакли ахборотни ўзидаги хромосома ДНКсида сақлаб экан. Ўсманинг ривожланиши бир неча босқичда давом этадиган ўта мураккаб макромолекуляр жараён бўлиб, унда албатта вирус, ҳужайра генлари ҳамда уларнинг ферментлар системаси қатнашади. Лекин ҳужайранинг хавфли ўсмага айланишида “ташаббускор” ва “бошқарувчи” айнан онкоген (онковирус) ҳисобланади. Онковирус ҳар бир одам ҳужайрасида мавжуд бўлиб, у рак касалликларини ҳаракатга келтирувчи механизмдир...

(Биринчи суҳбатимизни шу жойда тўхтатишга тўри келди — профессорни шовшилми операцияга чақириб қолишди. Фурсатдан фойдаланиб, Ғолиб Ҳақимов кўлида шифотопган беморлар билан суҳбатлашишга ошиқдим).

Мана, улардан бири — тошкентлик Ольга Лисенко қаршимда ўтирибди. Ғолиб ака тўғайли қандай қандай дарддан фориғ бўлганлигини ҳаяжон билан сўзлайди.

“Бунинг тарихи жуда узун, — дейди у. — 1996 йилнинг куз ойи эди. Ёндоғида ва қўлим супрасида бошланган оғриқ мени асаб касалликлари врачига боришга мажбур қилди. У “неврология” деб таъхис қўйиб, суртиш учун мазъ ёзиб берди. Аммо бу муолажадан ҳеч қандай наф қикмади. Оғриқ тобора кучайиб, кечалари ухлай олмайдиган бўлиб қолдим. Невропатолог ноилоҳ мени қўлоқ касалликлари врачига йўллади. Уҳам аниқ таъхис қўй олмади, хирургга уқрашганини маслаҳат берди. Бу ерда яна бир таъхис қўйишди — “ортроз” деган. “Мазъ суртиш” дейишдан нари ўтишмади. Ҳўлас, бир йил касаллими аниқлай олишмади. Бу орада қўлогим орқасидаги иши қатталашиб, оғриқдан ҳатто сочларимни тарай олмайдиган бўлиб қолдим. Шундан кейин ҳам таъхир қилди. Стоматологга борган эдим, у тишимни суғуриб ташлаб, электрофарез билан даволай бошлади. Фойдасиз муолажалар мени жуда толиқтириб, аҳолим бадтар ёмонлашди. Бошқа бир таъхирлабди доктор ўсма борлигини аниқлаб, уни операция йўли билан олиб ташлади. Аммо операциядан кейин ҳам кучли оғриқдан халос бўлмадим. Ниҳоят, 2000 йил февралда ўша шифокор яна ўсма пайдо бўлганини аниқлаб, қайта операция қилиш лозимлигини айтди. “Тузалтишга қафолат бера оласизми” деган

саволимга “йўқ” жавобини эшитган, руҳим тушиб кетди. Орадан бир неча ой ўтиб, газетангизда профессор Ғолиб Ҳақимовнинг ноёб операциялари ҳақида ўқиб қолдим, уни излаб шаҳар диспансерида келдим. Ғолиб Абдуллаевич аниқ таъхис қўймагунча мени обдон текширди. У сиз албатта тузаласиз, деб ишонч билан айтганидан кейин операцияга розилик бердим.

Профессордан умрим бўйи миннатдорман. У киши қайта операция қилганидан сўнг бутунлай соғайиб кетдим. Шундай фидойи инсонларнинг борлиги халқимизнинг бахтидир. Профессорнинг қўллари ҳеч қачон дард кўрмаган...”

“Хавфли ўсмага тиг теккизиб бўлмайди” деб узил-кесил ҳулоса чиқарадиган шифокорлар ҳузуридан ноумид қайтганлардан яна бири бемор И. эди. Қўшниси унга Ғолиб Ҳақимов ҳақидаги очерк чиққан газетани кўрсатиб: “Шу дўхтирга бориб кўрингчи, эҳтимол фойдаси тегаар” деганида И. аввалгига ўнчалик ишонмади. Лекин яшаши бўлган умиди сўнмаган эди, профессорни излаб топди.

Ташвиш чекманг, операция қиламиз, отдек бўлиб кетасиз, — деди Ғолиб Абдуллаевич унинг касаллик тарихини ўрганиб чиққан. Бемор қаршида нажоткори турганига ишонди.

ИМКОНИЯТ

Бемор И.нинг касаллик тарихидан: “Қорин ва бел соҳасининг ўнг томонида бот-бот оғриқ туриши туфайли 2000 йилнинг март ойидан буён аввал 7-туғруқхонада, сўнг 10-туғруқхонада даволанган. Аҳоли яхшиланмаган, июнь ойида операция йўли билан қорин бўшлиғида ўсма борлиги аниқланган ва уни операция қилиб бўлмайди деган ҳулоса берилган...”

Профессор Ҳақимов бундай ўсмаларни ҳам кенгайтирилган операция йўли билан олиб ташлаш мумкинлигини амалда исботлади. Бир неча кундан сўнг бемор соғайиб, севино-севино оиласи қучоғига қайтди...

(Орадан бир неча кун ўтган, профессорнинг бўш вақтини чамалаб, шаҳар диспансерида йўл олдим. Суҳбатимиз мавзусини эслатиш учун у кишига савол билан мурожаат этдим).

— Демак, Сизнинг фикрингизга кўра, ҳар бир одам танасида ўсма келиб чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас экан-да...

— Ҳулоса чиқаришга шовшилмайлик. Танамизда онковируснинг мавжудлиги албатта ўсма пайдо бўлади дегани эмас. Рак инсонда ҳеч қачон тўтсатдан пайдо бўлмайди ва агар инсон соғлом бўлса, ракка чалинмайди. Чўнки соғлом тананинг касалликка табиий қаршилик кўрсатиш қобилияти (иммунитет тизими) бунга йўл қўймайди. Ҳўш, онкоген (онковирус) қачон ҳаракатга келади? Соддароқ қилиб тушунирадиган бўлсак, дейлик, дарахт кўкариши, ўсиши учун туғроқ, сув, ҳаво ва нур керак. Онковирус ҳаракатга келиши учун ҳам муайян шароит бўлиши лозим. Агар тананда ана шундай шароит тўғилса, онковирус “жонланади”.

— Узоқ давом этадиган сурункали касалликлар ҳам онковируснинг кўзгалишига сабаб бўлиши мумкинми?

— Кўпчилигимиз вужудимизда кечаётган сурункали патологик ўзгаришларга ўнчалик эътибор бермаймиз, яъни бирор касалликка чалинсак, ўтиб кетар, деб даволашнига ҳафсала қилмаймиз. Натижада хасталик сурункали тус олади. Масалан, тери ва меъда ржалари узоқ вақтга қадар битмас, ракка айланиши мумкин. Лекин улар ўз вақтида даволанса, ракиннг олди олинади.

Рак аломатларининг хилма-хиллиги, яъин, босқичма-босқич ва қаттиқ оғриқсиз кечиши таъхис қўйишда мураккабликлари келтириб чиқаради. Шунга айтиш кераки, тўқимда ўсма пайдо бўлмагунча, касаллик

нишонлари юзага қикмайди.

— Ўсмани пайдо бўлиш босқичидаёқ аниқлашнинг имкони йўқми?

— Бор. Сўнгги йилларда яратилган замонавий тиббий диагностика усуллари ва воститалари рак ўсмаларини дастлабки босқичда аниқлаш имконини беради. Бундай усуллардан бизда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Кейинги пайтда радиоизотопли диагностика ривожланиб бормоқда. Бу усул хавфли ва хавфсиз ўсмаларни бир-биридан фарқлашда катта имкониятларга эгаллигини кўрсатди. Умуман, ҳозирги замон жаҳон тиббиётининг истикболли тармоғи — онкология соҳасида эришилаётган ютуқлар ракка қарши самарали кураш ўққлари кенгайиб бораётганлигидан далолат беради...

— Ғолиб Абдуллаевич, қўпчилики қизиқтирадиган асосий савол шунки...

— Саволингизни тушуниб турибман. Давоси ҳали топилмаган рак хасталиғи қаршида инсон ожизлигининг белгиси эмас. Бу соҳада олиб борилаётган илмий-амалий изланишлар миқёсини тасаввур этиш учун жаҳон тиббиётида рўй бераётган ҳар бир янгилик ва ўзгаришлардан муттасил хабардор бўлиб бориш лозим. Узоқ давом этган илмий тадқиқотлар самараси ўлароқ олимлар рак ҳужайрасининг моделини яратишганини эшитганмисиз? Бу жуда катта илмий

Суҳбатимиз ҳақида маълумот: Ғолиб ҲАҚИМОВ, 40 ёшда, тиббиёт фанлари доктори, профессор. Россия онкология Марказида 10 йил ишлаб, бу соҳада катта илмий-амалий тажриба ортирган. 1988 йилда кандидатлик, орадан беш йил ўтиб докторлик диссертациясини ёқлаган, оқват ҳазм қилиш йўллари ракинни операция қилиш техникаси соҳасида 21 та ихтирочилик тақлифини ишлаб чиққан ва амалда муваффақиятли татбиқ этган. Кенгайтирилган мураккаб операцияларга доир олти та муаллифлик гувоҳномасининг соҳиби. Абу Али ибн Сино номидаги тиббий адабиётлар наشريети унинг “Қорин бўшлиғи аъзоларидаги ўсма касалликларининг маҳаллий тарқалган ва мураккаблашган шакллари хирургияси” китобини чоп этди. Бундан ташқари учта монография муаллифларидан бири.

Ғ.Ҳақимов айни пайтда Тошкент шаҳар онкология диспансери 2-жарроҳлик бўлимининг мудир бўлиб ишламоқда.

ларини тасодиф деб ҳисобловчилар анчагина экан. Уларнинг рак муаммоларига доир саволларига шу соҳанинг билимдон мутахассисидан жавоблар олиш учун ҳамда бизга мурожаат этган беморлар тақдир билан қизиқиш, яна бир бор профессор Ғолиб Ҳақимов билан учрашишга ҳазм этдик.

— Ғолиб Абдуллаевич, рак ҳақида сўз очилса, қўпчилигимизнинг аъзойиш ўзгариб, сукут сақлаб қоламиз ёки яхшиси, бу мавзуда оғиз очмасликни афзал қўриб, “бедаво дарддан ҳудонинг ўзи асасин”, деб қўямиз ичимизда. Лекин барбир, “бу қандай дардик, бизни гафлатда қолдириб, сездирай танамизда пайдо бўлади”, деган савол кўнглимиздан кечади.

— Одамнинг ўзи каби кўхна бу дардининг сирли кучи нимада деган савол мени ҳам кўндан бери ўйлантириб келади. Рак пайдо бўлганидан буён қанча кишининг бевак ёстигини қуритгани ёлғиз Яратганининг ўзигагина аён. Неча-неча асрдирки, инсоният бутун ақлий салоҳиятини, куч-имкониятларини уни енгилшга сарфлаб келади. Шундай интилишларнинг самараси ўлароқ тиббиётнинг муҳим тармоғи — онкология фан сифатида шаклланиб, ривожланиб. Онкология — юнонча сўз бўлиб, ўзбекчага ўғирсак, “ўсма ҳақида таълимот” деган маънони беради. Фан ўсмаларни хавфли ва хавфсиз

кашфиёт. Аммо асосий муаммо шундаки, рак ҳужайрасини тиббий йўл билан бошқариб бўлмайпти. Жаҳонда эътироф этилган энг нуфузли илмий тиббиёт муассасалари бу муаммони ҳал этиш устида иш олиб бормоқда. Ҳозир асрлар давомида эришилган илм-фан ютуқларига асосланган ҳолда аҳоли ўртасида ракка қарши кураш ва унинг олдини олишнинг энг самарали усул ва воститаларини ишлаб чиқиш, мунтазам тақомиллаштириб бориш ҳар бир давлат олдида турган долзарб масалалардан бирига айланган. Табобат тараққиёт этган давлатларда бу борада сезиларли ютуқларга эришляпти ҳам.

Сиз билан аввалги суҳбатимизда ракин даволаса бўлади, деганим эсимда. Қандай қилиб, деган савол тугилиши табиий, албатта. Ўсмани дастлабки босқичидаёқ аниқлаш (таъхис қўйиш) имконияти топишган экан, демак, уни даволаса бўлади. Бунда вақт хал қилувчи омилдир. Касаллик қанча эрта аниқланса, уни даволаш шунча осон кечади. Юқорида айтганимдай, рак касалликларини қамайтириш учун аввало, унга олиб келадиган хасталикларни эрта аниқлаш ва даволаш керак.

Ҳозирги даврда рак касалликларини комплекс даволаш усули муттасил тақомиллашиб бораёпти. Бу усул дори-дармонлар билан даволаш, жарроҳлик операцияси, нур билан даволаш ва иммунотерапияни ўз ичига олади. Шақ-шубҳасиз, асрлар давомида синонадан ўтган, тақомиллашиб бораётган жарроҳлик усули ракин даволашнинг энг самарали усули бўлиб қолмоқда. Дунёдаги таникли онколог-жарроҳлар ҳатто одам танаси ички аъзоларининг энг нозик қисмларида томир отган, тиг теккизиш мумкин эмас деб ҳисоблаб келинган хавфли ўсмаларни ҳам ўта мураккаб, кенгайтирилган операция йўли билан олиб ташлаб, ҳаёти қил устида турган қанчадан-қанча беморларга қайта умр бахш этганликлари ҳақида истасанга мисол келтириш мумкин.

Тиббиёт ривожланиб бораётган давлатларда касалликка аниқ таъхис қўйишнинг илмий-техникавий муаммолари ҳал этилганлиги, оғриқсизлантиришда ишлатиладиган ноёб препаратлар яратилганлиги ўта мураккаб операциялар тақтикасини тўғри танлаш ва муваффақиятли ўтказиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Дунё миқёсида тан олинган Россия онкология Марказининг

АКС-САДО

онколог-жаррохлари эришаётган фавқуллодда муваффақиятларни мўъжиза билан қиёслаш мумкин. Бундан бир неча ой муқаддам академик Давидов жаҳон табobati тарихида, илк марта ракка чалинган трахея трансплантациясини амалга оширганлиги қайси мўъжизадан кам?! Ваҳоланки, бунга қадар трахеяни алмаштириб бўлмайди, деб ҳисоб-

марказининг директори, профессор Мэриам умумдавлат миқёсида скрининг методи-ни қўллашни таклиф қилади. Бу усулнинг мохияти нимадан иборат эди? Профессор Мэриам мамлакатнинг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган барча фуқароларини ракка қарши ёппасига тиббий кўриқдан ўтказиш ва шу асосда даволашни йўлга қўйиш зарур деб

ғибот ва тушунтириш ишларини кучайтириш лозим деб ўйлайман. Ўсма касалликлари ва уларнинг олдини олишга бағишланган оммабоп рисоалар, китоблар ўзбек тилида кам. Яқинда Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров ва ҳаммуаллифлар томонидан яратилган "Болалардаги ўсма касалликлари" рисоласининг айнан Тошкентда чоп этилиши, менинг назаримда, муҳим воқеа бўлди. Бу республикамизда аҳоли ва айниқса болалар ўртасида рак профилактикасини жонлан-тиришга киришилганидан далолат бера-ди.

Хуллас, биз рак касалликларининг олди-ни олишга қаратилган тадбирларни илмий-амалий тадқиқотлар натижаларига асослан-ган ҳолда ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш муҳимлигини тушуниб етишимиз шарт бўлган вақт келди.

— *Қўнчилик ҳолларда беморлар врачга кеч мурожаат қилади, деган гапни айтдингиз. Лекин суҳбатимиздан тушунишимча, ракка ташхис қўйишда қийинчиликлар кўп. Ама-лиётда баъзан жарроҳ операция столда беморнинг қорини ёриб кўрандан кейингина ўсманинг хавфли эканлигини аниқлашни ва унга тиғ теккизишга журъат этмаслигини қандай изоҳлайсиз?*

— Шуни айтмоқчиманки, беморни даво-лаш ва унинг умрини узайтириш клиник он-

Мухбир изоҳи:

Суҳбат қозоғга туширилаётган пайтда профессор Ғолиб Ҳаки-мовнинг феолиятига доир янги маълумотлар олдик. Моҳир онколог-жарроҳ Бухоро, Сурхон-дарё ва Самарқанд вилоятларида бўлиб, бир неча мураккаб, кенгайтирилган операцияларни муваффақиятли амалга оширди ҳамда ўз ҳамкасбларига тажри-баларини ўргатиб қайтди.

Самарқанд шаҳар эндохирур-гия марказида Ғолиб Абдуллае-вич ўтказган фавқуллодда ноёб операция бу масканда ишловчи кўплаб жарроҳларни "хавфли ўсмага тиғ теккизиб бўлмайди" деган эскича қарашлардан воз кечишга ундаган бўлса ажаб эмас.

Гап шундаки, айниқса қорин бўшлиғида жойлашган аъзолар-да томир отган хавфли ўсмалар-ни операция йўли билан даво-лашга ишончсизлик билан қараш натижасида шундай оғир дардга чалинган беморлар тақдир измига ташлаб қўйилмоқда. Эндигина 41 баҳорни кўрган Фарҳод Турсуновга врачлар консилиуми ҳулосасидан сўнг қисмат ҳукмига бўйсунишдан ўзга чора қолмагандек эди. Аммо умидли дунё дейдилар. Эндохирургия маркази раҳбари, профессор Жамшид Акбарович ўлим тўшағида шипга тикилиб ётган йигит ҳузурига ножотбахш хабар билан кириб келганида беморнинг кўзларида ёш қалқиди. У газетани беморнинг қарин-доши қўлига тутқазар экан, маслаҳат берди.

— Мана шу мақолада ёзилган профессор Ғолиб Ҳакимовни топиш керак. Операцияни шу ерда ўтказишга рози бўлади, деб ўйлайман.

Чорасиз қолганга ёрдам қилини чўзиш Ғолиб Ҳакимовга хос фазилат. У ўз ёрдамчилари билан Самарқандга етиб келди. Беморни кўрач, унга "Мана кўрасиз, албатта тузаласиз" дея дадда берди. Лаборатория таҳлиллари, текширувлардан сўнг бемор қайта операция столга ётқизилди. Ғолиб Ҳаки-мов ва унинг ёрдамчилари яна рак билан ўзма-юз бўлдилар. Беморнинг қорин бўшлиғи ўнг томонида ёйилиб кетган хавфли ўсmani олиб ташлаш учун яна ўзи ишлаб чиққан кенгайтирил-ган мураккаб жарроҳлик усули-ни қўллади. Операция узок давом этди.

Жарроҳлик хонаси эшиги очилиб, профессор кулиб чиқиб келганида йўлакда хавотирланиб турганлар дарҳол тушунишди: инсон ақл-заковати қаршида рак яна бир бор чокинди!

Марказ шафокорлари йиғили-шида профессор Жамшид Акба-рович тошкентлик ҳамкасбининг маҳорати ва тажрибасини эъти-роф этиб, дилидаги гапларни очик айтди:

— Бундай мураккаб операция марказимизда илк марта амалга оширилди. Профессор Ғолиб Ҳакимовнинг ўзига хос операция усуллари ҳар бир вилоят клиникаларида, жумладан, бизда ҳам қўллаш керак...



Профессор Ф.Ҳакимов ҳамкасблари даврасида.

ЧЕГАРАСИДАГИ ЖАРРОҲЛИК

лаб келинган эди.

Германия, Япония каби ривожланган дав-латлардаги онкология Марказларини ҳам катта тажриба мактаби деса бўлади. Уларда рак касалликларини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш борасида қўлга киритилаётган ибратли муваффақиятлар ҳозирги замон он-кологияси янги, юқори босқичга кўтарилган-лигидан дарак беради.

— *Статистика маълумотларига кўра жаҳон бўйича катталар ўлимига сабабчи касалликлар рўйхатида рак хасталиклари иккинчи ўринда турар экан. Бундан аёнки, ўсма касалликларини камайтириш бораси-даги умумжаҳон тажрибаларини ўзлашти-риш ва амалда қўллаш фойдадан холи эмас. Шундай тажрибалар мавжудми?*

— Масалан, Япония тажрибасини олай-лик. Чорак аср илгари бу мамлакатда катта-лар ўртасида рак касалликларининг кўпайи-ши ҳукуматни жиддий ташвишга солади. Бу муаммони умумдавлат миқёсида ҳал этишга киришилди. Мамлакатдаги энг забардаст илмий муассасалар, малакали тиббиёт му-тахассислари, олимлар рак касалликларини камайтириш, унинг олдини олиш соҳасида катта илмий изланишлар олиб борадилар. Давлат уларни ҳар томонлама рағбатланти-ради ва қўллаб-қувватлади. Ўша пайтларда собиқ шўролар салтанати қуролинишга беҳад маблағларни совуриб, бу пойгада от суриб юрганида японлар қандай қилиб рак-ни даволаш, камайтириш устида бош қоти-ришган, давлат бу соҳага маблағни ямаган эди. Улуғ мақсад сарф этилишлар самара-си шу бўлдики, тиббиётда япон эндоскопи каби буюк техник кашфиётлар дунё юзиди кўрди ва улар умумжаҳон соғлиқни сақлаш тизимининг мулкига айланди. Ўша вақтлар-да ракка қарши кураш борасида кўп куч-ғайрат сарфлаган Япония илмий онкология

ҳисоблайди. Ўсма касалликларининг олди-ни олиш бўйича давлат томонидан миллий дастур ишлаб чиқиши бу йirik тадбирни самарали амалга оширишга кучли туртки берди. Кўрилган чора-тадбирлар эса қўтил-ганидан ҳам яхшироқ натижаларга олиб кел-ди. Ўсма касалликлари дастлабки босқичи-даёқ аниқлана бошланди ҳамда беморлар-нинг катта қисми малакали тиббий хизмат кўрсатилиши натижасида бутунлай дарддан фориғ бўдилар. Япония тажрибасининг са-мараси шундаки, ҳозирги кунга келиб мам-лакатда ракка чалинган беморларнинг 90-95 фоизи соғайиб кетмоқда.

Биласизки, давлатларнинг раҳбарлари бир-бирларига йўллайдиган табриқномала-рини "Сизга ва халқингизга сийҳат-саломат-лик тилайман", деб бошлашади. Бунда чуқур маъно бор. Зеро, саломатлик ҳар қандай давлат ва халқнинг бебаҳо бойлиғидир.

Бизнинг республикамизда ҳам халқ сало-матлиги мамлакат ҳазинасининг энг катта бойлиғи сифатида гоятда қадрланади. Дав-латимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга жуда катта маб-лағлар ажратмоқда. Бундай эътибор туфай-ли тиббиётнинг онкология тармоғи ҳам ри-вожланиш йўлига кирди. Бой меросга тая-ниб олиб борилаётган илмий-амалий тадқи-қотлар эзис кетмаепти. Шуни алоҳида таъ-кидлаш керакки, оналар ва болалар соғлиғи-ни муҳофаза қилиш умумдавлат миқёсидаги вазифа қилиб қўйилди ва бу ишда болалар ўртасида ўсма касалликлари қарши кураш кўнчилигини яхшилашга эътибор янада кучай-тирилапти. Лекин ҳали олдимизда ечимини кутаётган муаммолар ҳам турибди. Очигини айтганда, болалар ўртасида тарқалган ўсма касалликлари ҳақида кўнчилик аҳоли деярли тушунчага эга эмас. Бу бўшлиқни тўлдириш учун шу йўналишда ҳам аҳоли ўртасида тар-

кология олдида қўйилган энг муҳим вазифа-дир. Бу соҳада замонавий диагностика маж-муасининг кенг қўлланилиши аниқ ташхис қўйишда имконият эшикларини очиб бера-ётганига қарамай, қорин бўшлиғи аъзолари-даги хавфли ўсмаларни эрта аниқлаш муам-моси ҳал этилган деб айта олмаيمان. Ракни операция қилишга келсак, бу жарроҳдан юксак малака, тажриба, билим, ирода ва қолаверса, катта руҳий ва жисмоний куч талаб этади. Сиз айтган ҳолатларни шундай талабларга жавоб берадиган онколог-жар-роҳлар камлиги билан изоҳлашим мумкин.

Рак юқори босқичга ўтиб зўрайиб кетса, уни даволаш имконияти бой берилишини яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Лекин ҳар қандай вазиятда беморнинг аҳоли шу дара-жага етишишга йўл қўймаслик чора-тадбир-ларини кўриш бизнинг ҳам инсоний, ҳам касбий бурчимиздир.

Бу мени ҳам ҳамisha феолиққа ундайди. Тошкент шаҳар онкология маркази ташкил этиш ниятим ҳам ана шундай бурч замирида пайдо бўлган. Илмий-амалий тадқиқотлар катталар ўртасида хавфли ўсма касалликлари пойтахтда кўпроқ учрашини кўрсатади. Беморларнинг аксарияти касаллик зўрайиб, асоратли шаклга ўтгандан кейингина шифо-корга мурожаат қилмоқдалар.

Демак, биз биринчи навбатда рак ўсма-ларини эрта аниқлаш ва даволаш чора-тад-бирларини ишлаб чиқишимиз керак.

Яна бир масала ҳусусида тўхталмоқчи-ман. Республикаимиз вилоятларида онколо-гия диспансерлари ишлаб турибди. Лекин уларда қорин бўшлиғи аъзоларидаги хавфли ўсмаларни операция йўли билан даволаш қоникари эмас. Бу масалани ҳал этиш пай-ти келди...

Суҳбатдош: Бахтиёр НАЗАРОВ

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«ЗУККО»фирмасы ўқув
марказиСизларни замонавий касбларни ўргатадиган
ўқишларга таклиф этади.**3 ойлик**

Бичиш-тикиш.
Бир ойга - 3500 сўм.
Бошловчилар учун инглиз тили. Бир ойга - 3500 сўм.
Инглиз тили (давом эттирувчилар учун.) Бир ойга - 4000 сўм.
ТОЭФЛ. Бир ойга - 6000 сўм.
Ақшерилик. Бир ойга - 4000 сўм.
Теле-радио усталари. Бир ойга - 3500 сўм.
Бухгалтерлик. Бир ойга - 3500 сўм.

2 ойлик

Хар хил торт, салатлар тайёрлаш.
Бир ойга - 3500 сўм.
Сартарошлик. Бир ойга 3500 сўм.
Массаж (умумий).
Бир ойга - 3500 сўм.
Уй хамшираси.
Бир ойга - 3500 сўм.
Энг замонавий усулларда «Элита» пардалари ва чойшабларини тикиш.
Бир ойга - 4000 сўм.

1 ойлик

Тижорат ва озиқ-овқат дўконлари учун сотувчилар.
Бир ойга - 6000 сўм.

! Ота-оналар диққатига

5, 6, 7 ёшли болаларга инглиз тили ўргатилади.

Бир ойга - 3500 сўм.


Ўқишни битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади. Вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАНЗИЛ: Метронинг «Тинчлик» бекати. «Азиза Сайфи кизи» ательесининг ичида. «Адиас» дўкони ёнида. Тел.: 42-36-71.

Замонавий ва
ишбилармон, оқила
ва назанда,
саронжом-
сариниша
бўлишингизда
«ЗУККО»
Сизнинг энг яқин
қўмақчингиздир!

«SAMSUNG»

қиш - ёз
кондиционерлари



«СИНТА» фирмасы «SAMSUNG» компаниясининг қиш-ёз
кондиционерларини харид қилишга таклиф этади.

Манзил: Тошкент ш., Кушбеги кўчаси, 18. Тел.: 50-47-67.

**дўкони**

«Мерседес»,
«Форд»,
«Волво», «ДЭУ»,
«Опел», «Ауди»,
«Нексия», «Тико» ва
«Дамас» автомобил-
лари учун эҳтиёт
қисмларни энг
арзон нархларда
харид қилишга
таклиф этади.

ҲАҚ ТўЛАШ — Сиз истаган усул!



МАНЗИЛ: Тошкент ш., А.Қаҳҳор
кўчаси, 32-уй.
Тел.: 55-66-72,
Fax: 55-78-86.

ФИЛИАЛАРИМИЗ:

Усмон Носир кўчаси,
20-уй.
Тел.: 55-42-88.
«Фарход» бозори,
Автомарка. Тел.: 75-88-42.

А.ЗОКИРОВ ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ

Олий навли, юқори сифатли ва хушбўй, сертификатланган
«Хушрўй» мурчларини харид қилишга таклиф этади.

Маҳсулотлар 1/15 гр. ва 1/25 гр.
пачкаларга қадоқланиб сотувга чиқарилмоқда.

1/15 гр.ли пачкалардаги янчилмаган маҳсулотнинг баҳоси 105 сўмдан;
1/25 гр.ли пачкалардаги янчилган маҳсулотнинг баҳоси 170 сўмдан.

Маҳсулотлар пул ўтказиш йўли билан
ёки нақд пулга сотилади.

Манзил: Тошкент - 700160, Сирғали тумани, Беруний кўчаси, 3-уй.
Тел.: 90-54-81, 34-87-21.



РЕКЛАМА ВА ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАРНИ «ХУҚУҚ»ДА ЖОЙЛАШТИРИШ

Тел: 77-68-67, 77-59-31.
Fax: 77-68-67.



Юртимиз иқтисоди юксалишига «Карвон Сирғали Авто» комплекси ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.



Fax: 77-68-67.

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

**ҲАМИША СИЗ
БИЛАН БИРГА****QONUN
HIMOYASIDA**

«Қонун ҳимоясида» журналининг 5-6 қўшалок сони босмадан чиқди. Журнал бу сафар ҳам ўз аъёнларига содиқ қолган ҳолда, давримизнинг энг долзарб муаммолари ва уларнинг ўзига хос ечимларига бағишланган мақолаларни ўз ўқувчиларига ҳавола этмоқда.

Журналнинг «Мусоҳаба» рўқни остида чоп этилган фалсафа фанлари номзоди Х. Саидхўжаевнинг «Бунёдкор гоялар» номли мақоласида мукамал гоялар ва уларнинг аҳамияти ҳақида сўз боради. ТДЮИ доценти О. Муҳаммаджоновнинг «Ҳуқуқий ҳимоя тизими» мақоласи ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз. Муаллиф мақоласида ҳуқуқий ҳимоя тизими жаҳон ҳамжамиятига чиқиш йўлидаги энг катта ютуқлардан бири эканлигини ўринли таъкидлайди. «Ибрат» рўқнида «Адолатга бахшида умр» сарлавҳали мақола чоп этилган бўлиб, унда Сиз «Қонун ҳимоясида» журнали муҳбирининг Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган юрист Ҳалима Муҳиддинова билан суҳбатини ўқисиз.

Яхши инсонлар хотирасига доимо эҳтиромда бўлган журналнинг «Едном» рўқнида А. Мустафороқулловнинг «Хайр, дўстим, омон бўл» мақоласи берилган бўлиб, мақола марҳум ҳуқуқшунос Сафар Назаров хотирасига бағишланади.

Самарқанд Давлат университети профессори З. Муҳимовнинг «Пахта яккахокимлиги ва пахта жиноятлари» мақоласи кенг камровлиги ва ўқишлилиги билан журналхонларни ўзига жалб қилади. Муаллифнинг мақоладаги: «XX асрда ўзбек халқи ўз тарихида икки марта пахта яккахокимлигининг жабрини тортди. Бу - биринчи марта чор Россияси даврида, иккинчи марта яқалпартиявий диктатура даврида юз берди» деган жумлаларини мисол келтириш билан мақола мавзу доирасининг нақдлар кенглиги ҳақида тасаввур уйғотиш мумкин.

Муаллифлар Б. Назаров ва Б. Жураевларнинг «Чинни чойнак воқеаси ва никоҳ шартномаси» мақоласи «Оила ва қонун» рўқнида чоп этилган. Мақолада абадий долзарб бўлган мавзу: оила ва никоҳ шартномаси ҳақида сўз боради.

Ушбу сонда журналхонлар ўзининг қизиқарли мақолалари, шов-шувли суд очерклари билан танилиб улгурган журналист Ж. Шарофбоевнинг «Калифорния» ўйини» номли яна бир қизиқарли суд очерки билан танишадилар.


«Нигҳо» рўқнидаги «Ҳамкорлик - тараққиёт омили» мақоласида Америка юристлар ассоциациясининг Ўзбекистондаги вакили Эллот Алхадф билан Д. Халиловнинг мулоқоти берилган.

Булardan ташқари «Боқий мерос», «Назарий мушоҳада», «Журналхонларни қизиқтирган саволлар», «Тадиқот, таҳлил ва мулоҳазалар» каби рўқнларда бир қанча мақолалар чоп этилганки, бу мавзулар Сизни қизиқтирмасдан қолмайди деб ўйлаймиз. Чунки бу мақолаларнинг ҳар бири ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради.

Журналнинг ўқишлилигини янада ошираётган «Ўзбек детективи» рўқнида ҳаммуаллифлар Муҳаммад Исмоил ва Отабек Мирзоларнинг «Тажовуз» номли қиссасининг давомий берилган.

«Қонун ҳимоясида»нинг бу сони ҳам Сизларда катта қизиқиш уйғотиши деган умиддамиз.

ФАЗИЛАТ



Энига: 7. Ҳамирдан тайёрланган таом. 8. Отлар пойгаси. 11. Вақт ўлчови. 15. Дарвешлар кийими. 17. АҚШнинг қумуш тангаси. 19. Рўзгорни бошқариб турган ҳурматли аёл. 20. Тўрт ёки олти эшакли қайик. 21. Гавайи ороллариининг каттаси. 22. Наркотик модда тури. 23. Куракоёқлар туркумига мансуб денгиз сўтэмизуви ҳайвони. 24. Олмония парламенти. 26. Пода, уюр. 29. Таом пиширишдаги жараён. 33. Товуқсимон ёввойи парранда. 35. Қуръон сураларидан бири. 36. Уруги топилмас қуш. 37. Муомаласи совуқ, қўпол муомала, кўрс. 38. Нимжон, заиф. 39. Ўсимлик қандаласи. 40. Тепаси ярим доира шаклида солинган эшик. 42. Ёритиш лампаларини тўлдириш учун ишлатиладиган рангсиз ва ҳидсиз газ. 43. Колумбиядаги дарё. 44. Насриддин 46. Ўқни тўғри, аниқ урадиган одам. 52. Шейр банди. 54. Бутаниннинг энг баланд тоғи. 58. Узунлик ўлчови. 59. Қирғовулар оиласига мансуб йирик тоғ қуши. 60. Қизил икра қўядиган балик. 61. «Уч мушкетёр»дан бири. 62. Қуш тури. 63. Эркалар исми. 64. Йўлдош Сулаймон асари. 66. Ўғил болалар исми. 69. Болалар пуфлаб чаладиган хуштак. 70. Узумдан тайёрланган вино тури.

Бўйига: 1. Амир Темурнинг Самарқанддаги қароргоҳи. 2. Кимёвий модда. 3. Франциядаги шаҳар. 4.

Ҳиндистоннинг ёввойи қорамоли. 5. Шариат қонунига кўра, бева аёлга турмушга чиқиш ман қилинган муҳлат. 6. Ҳарбий инженер, А. Пушкиннинг катта бобоси. 9. Меркурийнинг арабча номи. 10. Нариги дунё. 12. Шарқ мусика назариясида энг кичик интервалнинг номи. 13. Танти. 14. Спорт тури. 16. Икки кўлдан чиқадиган садо. 18. Удмурдистондаги шаҳар. 20. Рус физиги, электротехниги. 25. Кулупнайнинг бошқа номи. 27. Куй ижро этувчи, созанда. 28. Испаниядаги шаҳар. 30. Серпушт товуқ зоти. 31. Овқат ейишга ўта эҳтиёжманд киши. 32. Ҳаёли, уятчан. 34. Хитойда рота бошлиги. 41. Ер юзидagi бирон ўсимлик (ҳайвон) турининг тарқалиш майдони. 45. Кўтариб юриладиган, шамол ва ёғиндан муҳофаза қилинган чирок. 47. Аёллар кийимининг «шоҳи». 48. Тўқайзорларда яшайдиган ов қуши. 49. Қишлоқ ҳўжалигида меҳнат қуроли. 50. Туркиядаги сўнган вулкан. 51. Таниқли грузин болалар шоири Шло Кучукашвилининг тахаллуси. 53. Ўн тўрт кечалик тўлин ой. 55. Болани уқлатиш алласи. 56. Мамлакатимиздаги шаҳарлардан бири. 57. Ҳориқ автоси. 64. Узок Шарқдаги дарё. 65. Франция, Бельгия ва Нидерландия худудларидан оқиб ўтувчи дарё. 67. Ҳаёт учун зарур озук. 68. Судхўрлик.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

**ХОРАЗМ
ҲАҶТОМАЛАРИ**

Кечкурун ишдан қайтган уй бекаси ҳовлида оҳақ аралаш қотишма тайёрлаётган сувқонини қўриб хайрон бўлди ва рўпарадан келаётган эрини савога тутди:

— Эрталаб гап-сўз йўқ эди, тинчликми?

— Ҳа, тинчлик, тинчлик. Мақтабда бирга ўқиган дўстим қўшни маҳаллада да ишлаётган экан. Қадрдонлигимиз ҳаққо-ҳурмати уйимизни бепул оқлаб бермоқда.

— Сизга сира ақл кирмади-да, — жазаваси тутди хотиннинг. — Ахир, уй дегани ҳар йили оклайверсанг, оклайверсанг торайиб қолмайдими?!

— Хоразмда сўзга сўз қўшиб гапиряди дейдилар, шу гап ростми, — сўрабди воҳага илк бор келаётган меҳмон мезбондан.

— Қанақа сўз? — сўрабди мезбон. — Масалан, қошиқ-пошиқ, чойнак-пойнак, рўмол-сўмол...

— Йўғ-эй, — қулибди мезбон. — Бу бир «бола-сола»нинг гапи бўлса керак, ҳойнаҳой.

Бемаҳалда дерзани чертган эр хотинига гапира бошлади:

— Хотин, зиёфат ҳали тугамади, қор ёға бошлади, мен сени оғохлан-тиргани келдим, билмасдан ташқарига ивийдиган қалишда чиқиб қўйма. — Ҳозир тўхтанг, эшикни очай, тушунтириб гапиринг.

— Қулфни озорлаб нима қиласан, дерзанинг даричаси очик-ку!

— Вой, худойим-ей, — тугтоқибди хотини, — оёғидаги яп-янгиги этикка ачинмайди-ю, қулфни қайғуради-я!

— Кўнглинг хотиржам бўлсин, этикни ечиб, елкамга осиб олганман.

Моҳият

Одам боласи ҳар

қандай саодатга

маърифат билан

эришади.

Имом ҲАЗЗОЛИЙ



А. ТУРАЕВ сурати

Аъяани давом эттириб.

ТУРФА ОЛАМ, ТУРФА ОДАМЛАР**АСКАР НЕГА АЗИЯТ ЧЕКМОҚДА?**

Семиз немис аскарлари энди махсус «озиш лагери»га жўнатилади. Бу тadbир Германия қуроли қўчларидаги ортиқча вазнга қарши кураш дастури бўйича амалга оширилади.

Маълумотларга кўра, 40 ёшдан ошган немис ҳарбийларининг 40 фоизи меъёрдан ортиқча вазн эга, ҳар ўнчини аскар эса семизликдан азият чекади.

Верендофедаги «озиш лагери»да бакалоқлар 3 ҳафта яшаб, паркез сақлаган ҳолда спорт билан шугулланадилар. Немислардаги ортиқча вазн муаммоси Болқондаги тинчликпарвар миссия даврида сезилиб қолган эди. Кўмондонлиқнинг фикрига кўра, беташвиш хизмат, кўп миқдордаги пиво ва ёғли овқатлар, маҳаллий аҳолининг меҳмондўстлиги аскарларнинг оммавий семиришига олиб келган.

Умид ЖАЛИЛОВ тайёрлаган

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Республика прокуратураси жамоаси Республика прокуратурасининг бошқарма бошлиғи Юсупбой Гаиповга укаси

Маматжон Гаиповнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чукор таъзия изҳор этади.

Хоразм вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг ўринбосари О. Ҳайитбоевга падари бузруквори

Ўринбой Ҳайитбоевнинг вафот этганлиги муносабати билан чукор ҳамдардлик билдиради.